Б.Ирзаев

«КАТТА ҚИРҒИН»НИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ АРАФАСИДАГИ СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТ

Сканировано с CamScanner

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

“ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ” МУЗЕЙИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

Баҳром ИРЗАЕВ

“КАТТА ҚИРҒИН”НИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ АРАФАСИДАГИ СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТ

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси “Фан” нашриёти
Тошкент – 2014

Сканировано с CamScanner

УЎК : 323(575.1)
КБК: 63.3-4
И 73

Маълумки, совет империяси ўзининг мисли кўрилмаган қатағон сиёсати билан инсоният тарихида мудҳиш из қолдирган эди. Қўлингиздаги мазкур рисолада мустабид тузум томонидан ўтказилган қатағон сиёсати ва унинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида мушоҳада юритилган.

Рисола материалларидан Ўзбекистон тарихи бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларда, шунингдек, олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда ўрта таълим мактабларида ўтиладиган дарслар учун маърузалар, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда, маънавият ва маърифат доирасида олиб борилаётган тарғибот ишларида фойдаланиш мумкин.

Рисола "1937–1938 йиллардаги сиёсий қатағон:
"Катта қирғин"нинг келиб
чиқиш сабаблари ва фожиали оқибатлари" фундаментал илмий тадқиқот
доирасида тайёрланган

Масъул муҳаррирлар:
филология фанлари доктори **Наим КАРИМОВ**
тарих фанлари доктори **Бахтиёр ҲАСАНОВ**

Грант раҳбари:
филология фанлари доктори **Наим КАРИМОВ**

Тақризчилар:
З. Ишонхўжаева – тарих фанлари доктори
А.Рахмонқулова – тарих фанлари номзоди

ISBN 978-9943-19-284-3

© Ўзбекистон Республикаси ФА
"Фан" нашриёти, 2014 йил

Сканировано с CamScanner

МАЪМУРИЙ-БУЙРУҚБОЗЛИК ТУЗУМИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ. МИЛЛИЙ СИЁСАТ ВА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАРДАГИ ҲАҚСИЗЛИКЛАР

1917 йилда большевиклар Россия империясида давлат тўнтариши йўли билан ҳокимиятни қўлга олиб, ўз олдига жаҳон тарихида илк бор пролетар давлатини яратишдек фавқулодда катта ва машаққатли вазифани қўйди. Йўқсиллар доҳийси Ленин томонидан илгари сурилган "ғоя" қанчалик хаёлий ва ғайри миллий бўлса, уни рўёбга чиқариш жараёни ҳам шунчалик шафқатсиз ва ғайриқонуний тарзда амалга оширилди. Шўролар мамлакат марказида вужудга келган оғир вазиятда сиёсий найранглар, алдов ва террор воситасида ҳокимиятни қўлга киритган бўлса, чекка ўлкаларида "пролетар инқилоби"ни қурол кучи ёрдамида, шафқатсиз қонхўрликлар эвазига жорий этди. Шу билан бир қаторда узоқ муддатли ва ғаразли режа асосида қизил империя бошқарув тизимини ишлаб чиқди. Унга кўра, Шўро ҳукумати миллий республикаларни мустабид тузум исканжасида мустаҳкам ушлаб туриши учун, энг аввало, "социализм" ниқобига ўралган янги мустамлакачилик сиёсатининг моҳиятини яшириши, унинг ошкор бўлиб қолишига йўл қўймаслиги зарур эди. Бунинг учун большевиклар партияси ҳар бир тарихий босқичда, ҳар бир вазиятда шароитдан ва асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда миллий сиёсатнинг йўналишини, мақсадини ва моҳиятини ўзгартириб борди. Масалан, 1917–1924 йиллар давомида партия миллий сиёсатининг асосий негизи бўлган "миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи"нинг кун тартибига қўйилиши ва унинг большевиклар "андозаси" асосида амалга оширилиши натижасида сунъий равишда миллий республикалар ташкил қилинди. 1925 йилдан бошлаб совет миллий сиёсатининг асосий йўналиши ва мақсади миллатларнинг амалдаги тенгсизлигини тугатишга қаратилган бўлиб, бунинг учун миллий республикаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий қолоқлигига барҳам бериш вазифаси

Сканировано с CamScanner

қўйилди. Мазкур вазифани амалга ошириш жараёнида давлат қурилиши ишларига маҳаллий миллат кишиларини кенг жалб қилиш, давлат аппаратини "маҳаллийлаштириш"га муҳим аҳамият берилди. Республика аҳолисининг 1% дан кўпроғини ташкил этувчи коммунистлар советларда, айниқса, Олий Совет, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларида аксарият кўпчиликни эгаллар эдилар. Раҳбар органлар одатда фақат коммунистлардан ташкил топарди. Янги иқтисодий сиёсатга секин-аста чек қўйилиши жараёнида маъмурий-буйруқбозлик тизими ва шахсга сигиниш қарор топиб борди, советлар таркиби ва раҳбарияти, айниқса, республика сиёсатини белгиловчи идораларнинг аксарият қисми партия-совет аппарати, партия-совет амалдорлари қўлига ўтди. Меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилотлари – касаба уюшмалари ҳам деҳқонларни ғоявий жиҳатдан бирлаштирган "Қўшчи" иттифоқи ҳам мутлақ ҳукмрон коммунистик партиянинг "дастёри"га айланиб қолди. Мустабид тузум ёшларни коммунистик жамият солдатларига айлантиришда коммунистик ёшлар иттифоқи (комсомол)ни ташкил этди. Мамлакатда маъмурий-буйруқбозлик тизими қарор топиб мустаҳкамланиб бориши билан бир қаторда республиканинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаёти муттасил сиёсийлаштирилиб ва байналминаллаштирилиб борилди. "Номенклатура"дан ташкил топган давлат аппарати секин-аста бюрократлашиб, халқдан тобора узоқлашди. Юқоридан белгилаб берилган ва муқобилсиз номзодларни сайлаш ҳолларини кўрган халқ оммаси совет ҳокимиятига ишонмай сайловларда пассивлик кўрсатди. Халқнинг тузум билан "бирдамлиги"ни намойиш қилиш учун сайлов комиссиялари юқоридан келган кўрсатмага мувофиқ сайлов натижаларини тўғридан-тўғри сохталаштириш, бузиб кўрсатишдан ҳам тоймасдилар.

Шу тариқа, "омма инқилобий ижоди"нинг органи бўлган советлар партия қўмиталарининг бутунлай таъсирига олиниб, уларнинг "қўғирчоғи"га айланиб қолди. Натижада советлар амалдаўзмустақиллигинийўқотиб,партиябиланоммаўртасидаги "алоқа воситаси"га, партия қарорларининг оддий ижрочисига айланди. Албатта, бу жараён ўз-ўзидан содир бўлмаган, Сталин шахсий ҳокимиятини мутлақлаштириш мақсадида амалга оширган қатағон сиёсати ва унинг раҳбарлигида шўро жазо

Сканировано с CamScanner

органлари ВЧК-ГПУ-ОГПУ жаллодларининг миллионлаб инсонлар тақдирига нисбатан эълон қилинмаган шафқатсиз уруши эвазига амалга оширилди. Коммунистик партия амалга ошираётган "социалистик тажриба"ни маҳаллий халқлар, аввало, унинг илғор вакиллари зўр норозилик билан кутиб олдилар, улар халқнинг миллий маданиятини, анъаналари ва урф-одатларини, кўп асрлик маънавий меросини сақлаб қолишга интилдилар. Марказнинг зўравонлигига қарши очиқ танқидий фикрлар билдирдилар. Совет Иттифоқини ошкора равишда "қизил империя" деб атадилар. Ўзбекистонда "социалистик ислоҳотлар" секин-аста, демократик йўллар билан, республиканинг муайян тарихий ва миллий-маиший шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши учун курашдилар. Бу йўлда нафақат миллий зиёлилар, балки шўро ҳукуматининг юқори поғоналарида иш олиб борган Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов ва бошқа сиёсий етакчилар ҳам ўз фаолияти давомида шўролар чор Россияси мустамлакачилик сиёсатини давом эттираётганлигини англаб етганлар ва унга имконлари даражасида қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, Ф.Хўжаев "Октябрь инқилобининг ўн йиллигига" деб номланган асарида 1928 йилдаёқ Туркистоннинг чор Россияси мустамлакасига айланиш жараёнини таҳлил этар экан, бу масалага ўз даври учун хос бўлмаган тарзда ёндашади. У мамлакатнинг мустамлакага айлантирилишининг иқтисодий илдизларига эътибор қаратиб, жаҳон савдо капитали равнақи Туркистоннинг кейинги тараққиётини белгилаб берганлигини, Россия қанчалик мустамлакачилик режаларини амалга ошириш мақсадида Туркистонга интилган бўлса, Туркистоннинг бой савдо доиралари ҳам тижорат ишларини кенгайтириш мақсадида Россияга интилганлигига эътибор қаратади ва бу тарихий жараёнларга қуйидагича баҳо беради. "Туркистон тобора Россия бозори билан боғланиб борарди. Бунга яна шу нарса ҳам ёрдам бериб турдиким, Ўрта Осиёга қўшни бўлган давлатлар (Эрон, Афғонистон ва Ғарбий Хитой) ҳам саноат районларидан эмас, балки хом ашё районларидан эдилар; Туркистондаги хом ашёни бўлса бу қўшни давлатлар орқали Ғарбий Оврўпонинг саноатли районларига чиқариш мумкин эмас эди, чунки, бир томондан, йўл узоқлиги, иккинчи томондан, арзон ва қулай йўлларнинг йўқлиги бунга монелик қилар эди... Бутун Туркистоннинг асосий

Сканировано с CamScanner

иқтисоди ва бозори бўлган қишлоқ хўжалигининг экспортга мувофиқланиши шу даражага бориб етдики, деҳқонлар секин-секин ғалла экишдан воз кеча бошладилар; ғалла ўрнига ҳар йил кўпроқ миқдорда пахта экилар эди. Бунинг орқасида нуқул ғалла экиладиган районлар бўлгонлигига қарамасдан, Туркистонда ғалла етишмайдургон бўлди. Пахта экувчи аҳолини тўйдириш учун Русиядан олиб келинадирғон ғалланинг миқдори йилига 15 миллион пудга етди. Русиядан келтирилатургон ғалланинг кўпайтирилишига яна шу нарса таъсир бердики, ғалла сероб бўлган районлар (Еттисув, Шарқий Бухоро) арзон қулай йўллар бўлмагани учун ошиқча ғаллани четга чиқара олмас эди (Бозор районларга ғаллани етказиш учун уни юз чақиримларча аравада элтишни талаб қилар эди)"[1].

Аслида бу сиёсат ҳам мустамлака минтақа иқтисодиётини узоқ муддатли назорат қилишга қаратилган эди. Файзулла Хўжаев шўролар даврида ҳам мазкур сиёсатнинг давом эттирилаётганига алоҳида урғу беради. Орадан ўн йил ўтиб, 1935 йилда ёзган "Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши ҳақида" асарида юқоридаги фикрларини янада тўлдириб, "Ўрта Осиёнинг "ваҳший" халқларига нисбатан ўзининг маданият келтирувчилик вазифаси ҳақида бутун дунёга кенг шов-шув қилган чор ҳукумати, Туркистонни босиб олгандан кейин, Ўрта Осиё халқларининг ана шу турмуш оқимини ҳақиқатда ўзгартирмади. Бундан икки момент мустасно: биринчидан – у, Ўрта Осиёнинг анчагина қисмини – Фарғонани, Сирдарё водийсини, Зарафшоннинг ярмисини (Самарқанд ҳам шунинг ичида) ҳам Закаспий вилоятини ажратиб олиб, уларни Россия империясига бевосита киргизиб, парчаланган Бухоро ҳам Хоразмни ярим мустақил вассал давлатлар ҳолида қолдирди; иккинчидан – империалистик "маданиятчилар"нинг келуви билан Ўрта Осиё халқларининг меҳнаткашлар оммаси бу "маданият"нинг мевалари билан яқинроқдан бевосита таниша олдиларки, бу мевалар – мустамлакачиларнинг, рус саноати ҳам молия капиталининг ўз қўли билан, тезда қайтадан қурилиб ва мувофиқлашиб олган маҳаллий савдо ва судхўр буржуазия вакиллари орқали ҳам меҳнаткашларнинг меҳнатларини зўр бериб капиталистик йўл билан эксплуатация қилишдан иборат эди. Албатта, капитализмнинг ўзи Ўрта Осиёнинг турмушига

[1] Ф. Хўжаев. Октябрь инқилобининг ўн йиллигига. Тошкент: Ўздавнашр, 1928. –Б. 35–36.

Сканировано с CamScanner

кўп янги нарсалар киргизди – телеграф, темир йўллар, қишлоқ хўжалик хом ашёсини дастлабки равишда, яъни ишлайтурган кичик саноат корхоналари, бир мунча шаҳарларнинг пайдо бўлиши – мана буларнинг ҳаммаси Ўрта Осиёнинг илгариги қиёфасини сиртдан ўзгартди. Бироқ, капитализм Ўрта Осиёнинг тарихий муаммоларидан биттасини ҳам ҳал қилмаслик устида, бирлашган иқтисодий районларни (Зарафшон воҳаси ҳам Закаспий вилоятини) империалистик мулоҳазалар юзасидан бўлак-бўлак қилиб бўлиб юборгани орқасида, бир халқнинг ўзини сунъий равишда турли маъмурий территорияларга бўлиб юборишни кучайтди, ҳам буни келажак бутун давр учун мустаҳкамлади, Ўрта Осиё халқларининг эзилиш ҳам сиқилиш остида қолишларини янада кўпроқ кучайтирди.

Халқларнинг на миллий, на хўжалик эҳтиёжларига жавоб бермайтурган мана бу ясама маъмурий чегаралар иқтисодий нуқтайи назардан яна оғир натижаларга олиб борди. Улар миллий қарама-қаршиликни кучайтирдилар; сувдан фойдаланиш масалаларини ва шунинг сингариларни янада кўпроқ чигаллаштириб юбордилар. Мана буларнинг ҳаммаси ягона натижага – Ўрта Осиёдаги турли халқлар ўртасидаги душманликнинг кучайиб боришига олиб борди, Ўрта Осиёдаги айрим районларнинг хўжалик жиҳатидан нормал ўсувларига ҳалал берди"[2] (таъкид бизники – Б.Ирзаев), – деб хулосалайди.

Албатта, бу жуда ўз вақтида чиқарилган хулосалар бўлиб, бугунги кунда мазкур муаммолар бизга ҳам бегона эмас. Бир пайтда мустабид тузум тарафдорларининг "маданият келтирувчилик" фаолиятининг ҳам асл башарасини кўрсатиб ўтиб, у "Рус капиталистларининг буржуа "маданияти" ва маданият келтирувчилиги янги шаҳарларнинг чегараларидан нари кетмади: мактаблар, касалхоналар ва маданиятнинг бошқа мевалари Туркистонни босиб олганларнинг мулкига айланади ва имтиёзли капиталистик синфларгагина хос бир нарса бўлиб қолади. Ўрта Осиёнинг ерли халқлари мана бу роҳатларнинг ҳаммасидан ҳам маҳрум эдилар. Уларга нисбатан, рус фатҳчилари келмасдан илгари ҳам мавжуд бўлган муассасаларни, эски усул мактабларидан тортиб қозихоналаргача ҳаммасини сақлаб турадилар. Бу соҳада улар томонидан қўшилган ягона нарса –

[2] Ф. Хўжаев. Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши ҳақида. Тошкент: Ўзпартнашр, 1935. –Б. 4–6.

Сканировано с CamScanner

миссионерларнинг ишлари ва русскотуземний мактаблардир"[3], дейди.

Бироқ, мустабид тузум бошқача фикрлашга мутлақо тоқат қилолмасди ва унга қарши қатъий кураш олиб борди. 20-йилларнинг иккинчи ярми – 30-йиллар мавжуд тузумга мухолифатда турганларга қарши кенг қатағонлар ўтказиш даври бўлди. Республиканинг ватанпарварлик кайфиятидаги раҳбар ходимларни бирлаштирган "ғайрипартиявий" гуруҳлар ("18лар гуруҳи", "Иногомовчилик", "Қосимовчилик") биринкетин "фош этилди" ва бадном қилинди. Умуман, бу ўйлаб топилган "жиноий қилмиш"ларнинг барчаси маҳаллий ҳукуматнинг иродасининг синдириш ва уни Марказ буйруқларини сўзсиз ижро этишга хизмат қилувчи машина сифатида шакллантиришни кўзда тутганди. Бу сиёсатни очиқ ойдин эмас, аксинча, турли баҳоналар орқали олиб борилишидан мақсад эса халқнинг катта қисми эътиборини бу масалага тортмаслидан иборат эди. Ана шу жараёнда мамлакатда қўрқув муҳити қарор топиб, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг қарор топиши учун зарур шароит яратиб борилди. Шўролар жаҳон урушига тайёргарликни ҳаммадан илгари бўлиб бошлаб юборган ва буни ички тизимда темир интизомни таъминлаш билан мустаҳкамлаб борар эдилар. Уларнинг олий мақсадларидан бири бутун жаҳонда "социализм" байроғи остидаги мустабид қулдорлик тузумини қарор топдиришдан иборат эди.

1924 йилда ЎзССР МИҚ ҳузурида давлат аппаратини ўзбеклаштириш Марказий комиссияси ташкил этилди, шунингдек, бу хилдаги комиссиялар жойларда ҳам ташкил топди. 1928 йилга келиб Ўзбекистон ССР ҳукумати "Давлат аппаратини ўзбеклаштириш тўғрисида" қарор қабул қилди[4]. Мазкур қарорга мувофиқ ўзбек аҳолиси кўпроқ бўлган туманлардаги барча давлат, жамоат, кооператив муассасалари ва ташкилотлари иш юритишни ўзбек тилида ёки бу ерда кўпчиликни ташкил қилган элат тилида олиб боришлари шарт эди.

ЎзССР ХККнинг "ЎзССР муассасалари, корхоналари, ташкилотлари хизматчи ходимларининг ўзбек тилини мажбурий равишда ўрганишлари тўғрисида"ги қарори қабул

[3] Ф. Хўжаев. Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши ҳақида. Тошкент: Ўзпартнашр, 1935. –Б. 6–7.

[4] "Революция и национальность". 1931, № 12. С. 22.

Сканировано с CamScanner

қилинди. Асосий миллат тилига давлат тили мақомини бериш юзасидан бошқа тадбирлар ҳам кўрилди: ўзбек тилини ўрганиш бўйича турли курслар, тўгаракдар ташкил этилди, европалик миллатлардан чиққан ходимларнинг бу тилни ўрганиши улар маошига устамалар тўлаш билан рағбатлантирилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аппаратни "миллийлаштириш" жараёнида унинг мазмуни бирмунча ўзгартирилди, бунда асосий эътибор маҳаллий аҳолини давлат бошқарувига жалб қилиш эмас, балки, фақат давлат аппаратини аҳолига яқинлаштиришга қаратилди (!). Шўроларнинг бу сиёсати ҳам ҳар доимгидек юқори кампаниябозлик шароитида ташкил этилиб, аслида, аксинча сиёсат олиб борилди. Ўзбекистон ҳукумати буни ўз вақтида англаган ва имкон қадар вазиятни ўз қўлига олишга ва ундан миллий манфаатлар мақсадида фойдаланишга интилди. Бироқ, бу Марказга ёқмас, уларга қарши жиддий чоралар кўришга эса ҳали шароит йўқ эди. Шунинг учун маҳаллий ҳукуматнинг ичидан низолар чиқариш ва уни қўллаб қувватлаши мумкин бўлган сиёсий кучларни алоҳида-алоҳида "иш"лар билан маҳв эта бошлади. Бунда НКВД ва шунга ўхшаш ҳарбийлаштирилган ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳеч бир қонунга тўғри келмайдиган даражада орттириб борди. Уларнинг фаолияти тўлиқ Марказда Сталин ҳукумати томонидан бошқарилиб, маҳаллий ҳукуматга бу борада ҳеч бир имконият қолдирилмаган эди. Шундай шароитда ўз вақтида Ўзбекистон Коммунистик партияси биринчи котиби вазифасида ишлаган Акмал Икромов ўзининг "Қосимовчилик" ишига бағишланган Самарқанддаги маърузасида у шўроларнинг давлат аппаратини "миллийлаштириш" борасида амалга оширилаётган сиёсатнинг мақсадга нисбатан тескари эканлигига эътибор қаратади ва маърузада: "..мен сизга бир неча рақамларни мисол келтираман: сиз биласиз ки, 1930 йилнинг сентябр ойигача баъзи биринчи навбатдаги идораларнинг ўзи аппаратларини 100 фоиз ўзбеклаштириб, ўзбек тилида ишлашлари тўғрисида Марказий қўмита Ўрта Осиё бюроси, Ўзбекистон КП(б) марказий қўмитасининг қарори ва Ўзбекистон марказий ижроқўми билан халқ камиссарлари шўросининг декрети чиққан эди. Бу қарорни чиқарганимиздан икки йил ўткандан кейин мана шундай натижа ҳосил бўлди: 1928 йилнинг март ойида 23,5 фоиз ўзбеклаштирилган бўлса, 100 фоиз ўзбеклаштирилиши

Сканировано с CamScanner

лозим бўлган бир вақтда 22,6 фоиз ўзбеклаштирилган, яъни ўзбеклаштириш 0,9 фоизга камайган.

Партия ва ҳукумат қарорига мувофиқ идора ишларининг икки тилда олиб борилиши лозим, мен (европалик – муаллиф) мутахассислар ўлтирган савдо халқ комиссарлиги, халқ хўжалиги олий шўроси ва госплан каби идоралар тўғрисида гапирмай, омма билан тўғридан – тўғри алоқада бўлган идоралар ҳақида гапираман. Масалан, Самарқанд округ ижроқўми ёзув чизув ишларининг 57% ини фақат рус тилида олиб борган бўлса, шаҳар шўроси 90% ини русча олиб борган. Фақат ўзбекча китоблар чиқариб тура турган Ўзбекистон давлат нашриётида иш ва ёзув чизувнинг 58% русча олиб борилади. Суд билан алоқадор бўлган адлия халқ комиссарлиги, ўз ишларининг 60% русча олиб боради. Фақат деҳқонлар билан муомалада бўлган ер ишлари халқ комиссарлигидаги ишлар 80% русча олиб борилади. Сиз бу идораларда қандай каллаварамлар ўтирганини кўриб куларсиз, ҳақиқатда эса бунда ғоят қизиқ сиёсат яширинган... Масалан, меҳнат биржасидан марҳамат қилиб мол дўхтири юборингиз, лекин албатта рус тилини билган киши бўлсин деб сўрайдилар"[5] – дейди. Бу масалада сўзга чиққан Усмон Юсупов янада муҳимроқ маълумотларни ўртага ташлайди. У қоғозда ўзбеклаштириш сиёсати кучайтирилаётган ҳолда амалда бутунлай аксинча сиёсат юритилаётганлигини маълум қилади. У "Ерли халқни саноатга тортиш ишида жиддий йўқотишни кўрамиз, ерли халқ ишчиларининг сони ишчиларнинг умумий сонига нисбатан сўнгги йилда 71% дан 59% га тушиб қолди. Саноат тўхтовсиз ўсиб турган пайтда ҳам шундай аҳволни кўрамиз. Худди шундай аҳвол, аппаратни ўзбеклаштиришда ҳам ҳукм суради. 1928 йил март ойидан 1930 йил январигача адлия комиссарлигида ерли халқнинг сони 2%, Ўздавнашрда 9% камайган ва ҳакозо...

Мана шулар ҳаммаси бизнинг томондан қатъий чоралар кўрилишини талаб қилади. Буюк давлат шовинизмининг юзига боқмай белига тепиш керак... Аппаратнинг ҳақиқатда бутун ишни олиб борадиган ва ерли халқ билан ишлаши керак бўлган асосий қисми бўлса, бундаги хизматчиларнинг энг кўпи оврўполилардан. Юқорида ўтирувчилар қоғозга қўл қўяди, мажлисларда ўлтиради, ерли халқдан бўлган қуръерлар хат ташийдилар, бугунги ерлилаштиришнинг манзараси мана

[5] А.Икромов, У.Юсупов, А.Каримов. Қосимовчилик миллий аксил инқилобчилик. Самарқанд. Ўзнашр.1930. – Б.8.

Сканировано с CamScanner

шу. Ҳатто ерли курерлардан ҳам рус тилини билиш талаб қилинганини кўрсатувчи бир қатор ҳужжатлар бор. Энди, темир йўлидаги ўзбеклаштиришга келсак, бундаги аҳвол тағин ҳам аччинарлироқ. Бу ердаги масъул ходимлар ўртасида шу вақтга қадар бирон та ўзбек йўқ. Булар мутахассислар ўртасида 0,5% ҳолос, кондукторлар ўртасида ўзбекларнинг сони бир йил ичида 4,9% дан 3,3% га камайиб кетди; катта кондукторлар орасида 9,6% дан 7,8% га, кичик кондукторлар орасида 24% дан 7,3% га, проводниклар 27% дан 9% га тушиб қолди.."[6]. Демак, юқоридаги ҳолатларнинг айни шўролар ўз қарорида булгилаб берган ва юз фоиз (100%) ўзбеклаштирилиши лозим, деб кўрсатилган 1930 йилда содир бўлаётган воқеълик эди. Яъни, ўзбеклар сони кўпайтирилиши ўрнига камайтирилиши содир бўлган ва табиийки, бу маҳаллий раҳбарларнинг қатъий норозилига сабаб бўлган эди. Натижада ўз қилмишини яшириш мақсадида шўро аппаратининг марказида фаолият олиб бораётган раҳбарлар турли иғволар ташкиллаштириб, миллий раҳбарларнинг етакчиларига нисбатан кескин "уруш" очди. Ҳатто, стратегик соҳалардан маҳаллий ишчиларни турли усулларда четлаштириш сиёсатини олиб борди. Бу борада ҳам У.Юсупов маълумот бериб:

"Ерли халқлар аппаратдан қай тариқада "чиқариб" ташланадилар? РКИ бригадасининг маълумотлари, ўзбекларнинг аппаратдан чиқариб ташлаш сабабларини қуйидагилар деб кўрсатадилар:

Аппаратчиларнинг юқорига чиқарилганларга жонсиз ва бюрократ кўзи билан қарашлари, уларга эътибор қилмасликлари, уларни масхара қилишлари (Ўзпахта союз ташкилотида);

Юқори чиқарилувчилар орасида тарбиявий ишнинг йўқлиги;

Юқорига чиқарилган ўзбеклардан қутилиш учун уларни командировка қилиб юбориш;

Юқори чиқарилувчилардан техника ишида фойдаланиш (Ўзбек селпромда)

Ерли халқдан юқори чиқарилувчиларга ойлик миқдорини камайтириш (Ўзгусселтрестда оврўполи инструктор 200 сўм олган ҳамда ерли халқдан бўлган инструкторга 175 сўм ойлик тайин қилганлар).

Ерли халқ ишчиларининг маиший аҳволининг

[6] А.Икромов, У.Юсупов, А.Каримов. Қосимовчилик миллий аксил инқилобчилик. Самарқанд. Ўзнашр.1930. – Б. 28.

Сканировано с CamScanner

оврўполикларлан ёмонроқ шароитда қолиши (Ўзэлстой)"[7] – каби қатор ҳолатлар орқали ўзбекларни давлат ва идоралар аппаратидан сиқиб чиқаришнинг усуллари ҳақида сўзлаб ўтади. Бу фикрни ўша даврда яна бир йирик партия арбоби, кейинчалик машъум сталинча қатагон қурбони бўлган Абдулла Каримов ҳам давом эттиради. Унинг "Аксилинқилобий миллатчилик сабоқларидан баъзи хулосалар" номли мақоласида: "Кучаювчи маҳаллий миллатчиликнинг муҳим омилларидан бири улуғ давлат шовунизмидир...Великарус шовунизми унча актив эмас, шу боис унинг кўрқинчи маҳаллий миллатчиликка қарағанда камроқ деб ўйлаш ва бунинг учун, Великарус шовунизми аксил инқилобий иш қилгани йўқ, деб далил келтириш, улуғ давлат шовунизмига, демак маҳаллий миллатчиликка ҳам ёрдамчи бўлиш, деган нарсани билдиради"[8] деб амалда мазкур муаммоларнинг илдизини улуғ давлатчилик шовунизмига олиб боради. Гарчи маърузаларнинг номи "Қосимовчилик иши" муҳокамасига бағишланган бўлсада, мазмунан мазкур давлат раҳбар ходимларининг умумий хулосаси сталинизм сиёсатининг номақбул жиҳатларини очиқ ташлашга қаратилганлиги маълум бўлади. Қанчалик вазиятнинг қалтислигига қарамай Ўзбекистон давлат раҳбарлари ўзлигига, миллатига хиёнат қилмагани Сталин ҳукуматининг сиёсий найрангларига учмагани, уларнинг нақадар кучли иродаси ва эътиқоди ифодасидир.

Шу ўринда мазкур давр тарихининг холис баҳосини бериш мақсадида яна бир тарихий ҳужжатга эътибор қаратсак. Сталиннинг 1929 йилдаги нутқларига тўлиқ мос тушадиган бу маърузани, айрим маҳаллий далиллар билан бойитилган унинг нусхаси ҳам дейиш мумкин. Бу аслида саводсиз бўлган, "Қўшчи" батрак-деҳқонлар вакили сифатида ҳукуматга киритилган кишининг эмас, аксинча шўро ҳукуматининг расмий қарашларини ифодалайди. Демак, шўро бошқарув усулининг бир кўриниши, "сиёсий спектакль", яъни, айни бир ҳукуматнинг ичида сталинчи ва сталинизмга қарши раҳбарлар гуруҳлари шакллантирилганлигини англатади. Бу аввалдан тайёрланаётган "Катта қирғин" учун муҳим сиёсий омил бўлиши лозим эди. Маъруза Й.Охунбобоев томонидан 1931

[7] А.Икромов, У.Юсупов, А.Каримов. Қосимовчилик миллий аксил инқилобчилик. Самарқанд: Ўзнашр, 1930. – Б. 29.

[8] А.Икромов, У.Юсупов, А.Каримов. Қосимовчилик миллий аксил инқилобчилик. Самарқанд: Ўзнашр, 1930. – Б. 31.

Сканировано с CamScanner

йилда "Ўзбекистонда социализм учун курашнинг 14 йиллиги" номи остида эълон қилинди. Унда: "Байналхалқ доирасида катта рол ўйнаб турган яна бир аҳвол, у, ҳам бўлса империалист мамлакатларнинг янги урушларга бўлган тайёргарликларининг ортиб кетиши. Мисол учун 4 та йирик давлатни олиб қарасак, улардаги уруш харажати бюджетларининг 1914 йилги жаҳон урушивақтидагидан50%дантортибто80%гачаошибкетганини кўрамиз. Юқоридаги рақамлар аниқ кўрсатадирки, байналхалқ буржуазияси, қуролсизланиш масалаларини фақат оғиздагина айтиб, амалда қуролланмоқда. Шуни аниқ биламизки, бу рақамлар ва тайёргарликлар СССРни чўчита олмайди, балки бизни иттифоқимизни мудофаага тайёргарчиликни кенгайтирувга ундайдирлар. Бизнинг таянчимиз шундаки, жаҳон пролетарлари СССРни ҳимоя қилувга ҳамма вақт тайёрдирлар. Агар бирорта буржуа давлати СССРга қарши қўзғалувни истар экан, унинг ўз кучини икки томонга тақсим қилуви мажбурий ҳолларнинг биридир. Чунки, у бизга қарши кураш учун ҳаракат бошлаганда, шубҳасиз бутунжаҳон пролетарлари СССРни ҳимоя қилиб чиқадилар. Иккинчи томондан бўлса, бизнинг қизил қўшинимиз, соф синфий қўшин бўлиб, бу қўшин сиёсий жиҳатдан онгли, тушинчалидир ва СССРнинг мудофааси-бутунжаҳон меҳнаткашларининг манфаати эканлигига тушунадилар... СССРда социализм қурилишини бузиш ва ишчилар синфининг аҳволини оғирлатув мақсадида байналхалқ буржуазия ўзининг кучини бир қатор синаб кўрди: Шўролар Шарқидан туриб СССРга ҳужум қилиш плани ҳам Тожикистонга босмачиларнинг бошида Иброҳим Бекни юбориб ғалаба қозониш мақсади бор эди... Байналхалқ буржуазияси, айниқса, қутурган Англия буржуазияси, Туркманистонга ҳам босмачилар гуруҳини юбориб, СССРнинг халқ хўжалигини вайрон қилув учун уруниб кўрдилар. Лекин бу қаршилиқлар ва босмачилик ҳужумлари СССРни, ягона социализм ватанини бузув учун байналхалқ буржуазиясининг урунишидир. Булардан бошқа, байналхалқ буржуазияси СССРда социализм қурилишига нуқсон берув, СССРни ўз ичидан чиритув учун бир қанча ҳаракатлар қилиб кўрди. Ўтган йили Давлат Сиёсий Идорамизнинг ёрдами билан "Санаати миллия партияси" топилиб унга барҳам берилди. Меншевикларнинг аксилинқилобий марказлари топилиб

Сканировано с CamScanner

тор-мор қилинди. Пахтачилик зараркунандалари ташкилоти очилиб қолиб, у ҳам тегишли зарбани еди. Катта аҳамиятга эга бўлган, Ўзбекистонда чиққан миллий аксилинқилобчилар ташкилоти (Қосимовчилик иши, Рамзий, Боту ва шундайлар гуруҳи) топилиб улар ҳам тегишли зарбани едилар.

Юқоридаги кўрсатилган ҳужжатларнинг ҳаммаси, байналхалқ буржуазиянинг энг қулай ҳужум қилиш планларидан бўлиб, СССРда бўлган аксил ҳаракатчи миллатчилар ёрдами билан уни (СССРни) ўз ичидан чиритиш ҳаракатининг худди ўзи эканини кўрсатади[9]" – дейди. Албатта, маъруза аслида кимга тегишли эканлиги бошқа масала. Лекин, Йўлдош Охунбобоевнинг халқпарвар, камтар ва олийжаноб раҳбар сифатида иш олиб борганлигини кўрсатувчи далиллар ҳам тарихда кам эмас. Унинг қатағон авжига чиққан паллаларда ҳар куни ишга қамоқ учун кийим ва озгина нон солинган тугун билан келганини эсласак у одамни ҳам асло Сталиннинг шериги ёки миллат хоини сифатида айблаб бўлмайди. Даврнинг характерини очиб бериш шунинг учун ҳам қийинчилик тугдирадики, "сиёсий ўйин" бошланганлигини ўша пайтда ҳам ҳамма англар, уни тўхтатишнинг эса ҳеч ким йўлини топа олмас, ҳатто кўпчилик истамас ҳам эди. Ўйин қоидаси эса ҳеч кимга маълум эмасди. Бу манзаранинг даҳшатли тус олиши ўша давр инсонларининг характеридаги айрим тушинарсиз туйғулари билан ҳам боғлиқ эди. "Юқорида" бўлаётган зиддиятлар кураши "қуйида" янада хатарли кўриниш олганди. Ҳокимият тизгинлари қуйида асосан ёшларнинг қўлида бўлиб, уларнинг интилишлари, ғайратлари билан бир пайтда нафратлари, ҳою-ҳаваслари ҳам маълум маънода етакчи рол ўйнади. Натижада "юқори" томонидан узоқ кутилган вазият 30-йилларнинг охирига келиб юз берди. Бутун Иттифоқда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам мустабид тузум бошлаган репрессиянинг мислсиз бебошликлари, оммавий "катта террор"нинг ваҳшийликлари билан нишонланди ва ўзбек халқи тарихида энг фожиавий саҳифаларни ташкил этди. Якун шу бўлдики, Сталин ўз душманларидан тўлиқ ва абадийга қутилди. Маҳаллий ҳукуматлардаги қисман бўлган ҳокимият ҳам тортиб олинди ва мамлакатда тўлиқ маъмурий буйруқбозлик тизими қарор топди. Кейинги босқич шахсга сиғиниш сиёсати учун йўл очилди.

[9] Й.Охунбобоев. Ўзбекистонда социализм учун курашнинг 14 йиллиги. Тошкент: Ўзнашр, 1931. –Б. 2–3.

Сканировано с CamScanner

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДАГИ ЗИДДИЯТЛАР ВА МАЖБУРИЙ ЖАМОАЛАШТИРИШ ФОЖИАЛАРИ

Октябр тўнтаришини амалга оширган шўролар Ўрта Осиёда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш сиёсати томонидан икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқич, 1917 йилдан бошланган "шаҳардаги пролетар инқилоби" даври бўлиб, шўролар барча марказларда ўзининг мустабид бошқарув тузумини жорий қилди. Унда зўровонлик йўли билан шўро ҳокимиятига қарши чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай куч йўқ қилинди ва асосан европалик вакиллардан ташкил этилган бошқарув аппарати шакллантирилди. Бу даврда қишлоққа деярли эътибор қаратилмади. Фақат талончилик мақсадида қурол билан қишлоқнинг эски бошқарув тизими ва эртага шўро тузуми ўрнатилиши жараёнида қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган уюшган гуруҳларга қарши тинимсиз ҳарбий юришлар олиб борди. Қишлоқлар деярли вайронага айлантирилди, уларда ташкил этилган "қизил чойхона"ларнинг вазифаси бу пайтда қишлоқни зиддиятлар ўчоғига айлантириб, турли бир-бирига қарши бўлган жамоаларни топиб уларнинг ўртасидаги низолардан фойдаланган ҳолда уларни талаш билан машғул бўлди. Иккинчи босқич "ер ислоҳоти" бўлиб, бу 1925 йилдан бошланган ва 8 йил мобайнида ўтказилган "аграр инқилоб"дир. Бу даврга келиб қишлоқда деярли жиддий қарши чиқиши мумкин бўлган куч қолмаган эди. Қишлоқ ислоҳоти учун жиддий ҳаракатлар миллий-ҳудудий чегараланишдан кейин аграр ўзгаришларнинг янги босқичи сифатида бошланди. 1924–1925 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ўлканинг меҳнат қилишга лаёқатли бўлган аҳолисининг 85%и банд эди. Аграр сектор маҳсулотларининг салмоғи бутун ялпи маҳсулотнинг қарийб 80% ини ташкил этарди. Саноатнинг 90% и қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланарди[10]. Бундай шароитда аграр ислоҳотлар ўтказилиши чуқур ижтимоий аҳамиятга эга эди.

Камбагал деҳқонлар ва бадавлат қатламлар ўртасида большевик маъмурлар томонидан атайлаб авж олдирилган синфий қарама-қаршилик тангликнинг янада кучайишига сабаб

[10] ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 26-йигма жилд, 16-варақ.

Сканировано с CamScanner

бўлди. Коммунистик метрополиянинг большевик раҳбарлари марксизмнинг ҳаёлий ақидаларига таянган ҳолда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қайта қуришнинг асосий қуроли сифатида зўравонликни танладилар. Ер-сув ислоҳоти билан янги иқтисодий сиёсат ўртасидаги ўзаро алоқадорлик даражаси масаласида умумлаштирилган ёндашув "18 лар гуруҳи" нуқтаи назарида яққол намоён бўлди. У республиканинг 18 нафар масъул партия ва совет ходимларини ўз ичига олган эди. ЎзССР ХКС раиси Ф.Хўжаев бу гуруҳга очиқ қўшилмаган бўлса-да, уларга ғоявий жиҳатдан раҳнамолик қилади. Бироқ, "Гуруҳ" аъзоларининг асл мақсадини англаган ва бу борада муроса қилишни истамаган Марказ томонидан улар "бой-қулоқ" ер эгалигини, феодал тартибларни сақлаб қолишга интилишда ва маҳаллий миллатчилик томонига оғишда айбланди. Бу айбларни қўйиш билан бир пайтда маҳаллий ҳукуматга ҳам ер ислоҳотлари масалада асло ён берилмаслигини уқтириш мақсадида жазо намойишкорона амалга оширилди.

Ўзбекистон КП II съездининг мафкуравий йўл-йўриқларига мувофиқ 1925 йил 2 декабрдаёқ ЎзССР МИҚнинг фавқулодда сессиясида "Ер ва сувни национализация қилиш тўғрисида" декрет қабул қилинди. Дастлаб ҳукумат маҳаллий ислоҳотни имкон қадар осойишта ўтказишга ҳаракат қилиб, босқичма-босқич тарзда уч вилоятда амалга оширилади деб ваъда берилди. Ҳатто, Қизил Ўзбекистон газетасининг 303-сонида "Барча мусулмонларга хитоб"босилиб, унда мусулмон идораси ва уламоларнинг фатвоси нашр этилиб, ер ислоҳотининг диний жиҳатдан савоб иш эканлигини асослашга ҳаракат қиладилар[11]. Ислоҳотларни тинч йўл билан ҳам амалга ошириш мумкин эди. Боиси, шўро ҳукуматининг қаттол кучларига қарши чиқиши мумкин бўлган ижтимоий қатлам аллақачон йўқ қилинган ва маҳаллий раҳбарлар ҳам унга қарши чиқишдан ҳеч қандай фойда йўқлигини чуқур англар эди. Ф.Хўжаев, А.Икромов каби бошқа етакчилар ҳам, халқ ҳам "қизил қўшин"нинг ҳар қандай кўринишдаги норозиликларга қарши шафқатсиз қирғинларини унутган эмасди. Шу сабаб ўзларининг обрў-эътиборидан фойдаланиб маҳаллий ҳукумат А.Икромов раҳбарлигида ер ислоҳоти дастурини ишлаб чиқди ва амалга оширишга киришди. Бироқ, ҳеч бир эҳтиёж бўлмагани ҳолда шўро

[11] А.Икромов. Ер ислоҳотининг якунлари ва уни мустаҳкамлашда келгуси амаллар. Самарқанд. Ўзбекистон давлат нашриёти. 1927. –Б. 89.

Сканировано с CamScanner

ҳокимияти тузилмалари деҳқонларнинг камбағал қатламларини қишлоқнинг бадавлат гуруҳларига гиж-гижлатиш йўли билан барчани тенглаштириш кайфиятига таъсир этиш ва синфий нафратни авж олдиришга интилдилар, синфий тўқнашувлар келтириб чиқардилар. Бу нарса партия ҳужжатларида "синфий табақаланишга ёрдам бериш" деб аталди. Қисқаси, партия қишлоқда совет ҳокимиятига қарши бўлган табақани, совет давлатига хайрихоҳ бўлган камбағал деҳқонлар табақаси қўли билан йўқотишга ҳаракат қилди.

Маъмурларнинг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари қишлоқ аҳолисининг жуда кенг қатламлари орасида, ҳатто деҳқонларнинг энг камбағал қисмлари орасида ҳам қораланди. Мусодара қилинган ерларнинг асосий қисми эса колхоз ва совхозларга берилди. Коммунистик партиянинг ер-сув ислоҳотларини ўтказишдан мақсади камбағал деҳқон хўжаликларини ер билан таъминлаб, унинг иқтисодий аҳволини яхшилаш эмас эди. Унинг асосий мақсади, аввало қишлоқда "социалистик ижтимоий тузум"нинг моддий асоси бўлган жамоа бўлиб, хўжалик юритиш шаклларини ривожлантиришдан иборат эди. Бу даврга келиб ҳокимият тепасида мустаҳкамланиб олган Сталин ва унинг тарафдорлари "коммунизмга сакраш" ғояларига кўпроқ берила бошладилар, улар иқтисодий ривожланишнинг объектив қонуниятларини назар-писанд қилмаслик йўлидан бордилар. Сталиннинг 1929 йил 7 ноябрда босилиб чиққан "Буюк бурилиш йили" деган мақоласи жадал жамоалаштиришни "назарий" жиҳатдан асослаб берди. Унда, кенг қишлоқ оммаси колхозларга кириш учун етилди, деб айтилган эди[12]. Давлат қишлоқ меҳнаткашларига қанча ва нима экишни, етиштирилган маҳсулотни қандай нарх билан топширишни айтиб турадиган бўлди. Қишлоқ аҳолисининг бадавлат қатламларига қарши мислсиз қувғинлар уюштирилди, қишлоқ аҳлини зўрлик билан колхозларга киритиш бошланди.

ВКП(б) МҚнинг 1930 йил 5 январдаги "Жамоалаштириш суръатлари ва давлатнинг колхоз қурилишига ёрдам кўрсатиш чоралари тўғрисида"ги қарорига асосан ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси томонидан 1932 йилнинг бошларига келиб деҳқон хўжаликларининг 68%ини колхозларга бирлаштириш режаси қабул қилинди[13]. Қишлоқ аҳлини колхозларга "ғайратлантириш"

[12] "Правда". 1929, 7 ноября.
[13] РЦХИДНИ, ф. 62, оп. 1, д. 2549, л. 74.

Сканировано с CamScanner

учун ишчилар синфи ҳам жалб қилинди. Рақамлар ортидан қувиш бошланди. Совет давлатининг ҳамма жойида бўлгани каби Ўзбекистондаги жамоалаштириш ҳам "ҳарбий коммунизм" йилларида синовдан ўтган кампаниябозлик, "ҳужум ва тазйиқ" усуллари билан амалга оширилди. Деҳқонларни зўрлик билан колхозларга киришга мажбур этдилар. Қаршилик кўрсатганлар ижтимоий мансублигидан қатъий назар "қулоқ қилинди". Ҳокимият органлари қишлоқ аҳолисининг анча бойроқ ва камбағалроқ қатламларига нисбатан зўравонлик қилиш билангина чекланиб қолмадилар. Тез орада "қулоқларнинг думи" деган атама пайдо бўлдики, уни ҳар қандай одамга, ҳатто энг камбағал хўжаликка нисбатан ҳам ишлатиш мумкин эди. Оммавий "қулоқлаштириш" фуқаролар уруши қонунлари асосида ҳаддан ташқари зўравонлик билан ўтказилди. Жадал жамоалаштиришга, қулоқ қилишга, ўртаҳол қатламларга шубҳа билан қарашга, қишлоқ аҳолисининг бошқа қатламлари инсоний ҳуқуқларининг поймол этилишига қаратилган йўл қишлоқда сиёсий вазиятнинг кескин тус олишига сабаб бўлди. Расмий тарғибот бу ҳолни "синфий курашнинг кучайиши" деб атади. Ҳақиқатда эса бу қатағонлар исканжасида сиқиб қўйилган ва эзилган тинч қишлоқ аҳлининг норозилиги эди. Қишлоқ аҳолиси орасидаги бу ижтимоий норозилик қудратли портлашни келтириб чиқарди.

1930 йил 2 мартда "Правда"да Сталиннинг "Ютуқлардан эсанкираш" номли мақоласи босилиб чиқди, унда жамоалаштириш давридаги "қинғирликлар" учун бутун айб маҳаллий ҳукуматларнинг раҳбар ходимларга тўнкалди. Сталин уларга нисбатан ғоят қаттиқ чоралар кўрилишини талаб қилди. Ёппасига жамоалаштиришнинг авж олиши билан "қулоқ-бой унсурлар"га қарши кураш чора-тадбирлари ҳам сезиларли кўламда олиб борилди. Одатда таъқиб қилинганлар туман ташқарисига, республиканинг аҳоли кам яшайдиган минтақаларига чиқариб юборилардн, у жойларда 17 та махсус посёлкалар ташкил этилган эди[14]. Республикадан ташқарига – Украинага, Сибирь ва Шимолий Кавказга 3871 "қулоқ оиласи" сургун қилинди[15]. 1933 йилда сургун қилинган "қулоқ" хўжаликлари сони расмий маълумотларга

[14] ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 7985-йиғма жилд, 24-варақ.
[15] ЎзР ПДА, 58-фонд, 7-рўйхат, 245-йиғма жилд, 13–31-варақлар.

Сканировано с CamScanner

қараганда 5500 тага етган эди[16]. "Сургун қилинганлар" ва "махсус сургун қилинганлар"нинг аҳволи ниҳоятда оғир эди. Уларга "ҳомийлик"ни ОГПУ амалга оширарди, бу "посёлка"лар концлагерлардан деярли фарқ қилмасди. Маъмурий тазйиқ, ошкора зўравонлик, қишлоқ меҳнаткашларини колхозларга "ҳайдаш"нинг иқтисодий террор усуллари орқали 1932 йилнинг охирларига келиб умуман республикада ижтимоий сектор барча деҳқон хонадонларининг 81,7% ни бирлаштирган, 9734 та колхоз ва 94 та совхоз ташкил этилди[17].

Табиийки, маҳаллий раҳбарларнинг бу сиёсатга нисбатан муносабати қандай бўлди деган ҳақли савол туғилади. Бу Файзулла Хўжаевнинг 1933 йилда нашр этилган "Янги даврда шўролар вазифаси" асарида қуйидагича ўз ифодасини топган: "Биз шундай ҳолатларнинг шоҳидимизки, милиция бошлиқларидан биттаси, колхозчи, камбағал ва ўртаҳолларни ҳеч бир асоссиз қамоққа оладилар. Сариосиё районида бир колхозчи хотин ўз рўмолини бозорда сотгани учун, милиция бошлиғи томонидан қамоққа олинганини биламан. Ўша Сариосиё районида шундай воқеа бўлди: бир мажруҳ колхоз аъзоси нос сотганлиги учун, милиция бошлиғи томонидан қаматилган ва ёнидаги бутун бор пули тортиб олинган. Патта кесар районида, қишлоқ шўроси ва милиция бошлигининг фармони бўйича, колхозчилар ўзларининг бевосита ишларидан кетмасликлари учун, яъни деҳқонларни бозорга кетказмаслик учун, Сурхондарёга соқчи қўйилган... Мен бу районга келган вақтимда, колхозчилар менга мурожаат қилиб, ҳар куни юз киши учун бир киши бозорга бориб келишига рухсат сўрадилар(!), мен бундай илтимосга жуда таажжубланганимда, мен айтган аҳвол маълум бўлди... Соқчи милиционер ўз бошлиғининг талаби билан Ҳазорбоғ савхози директорни олиб кетади. Директор ҳайрон бўлиб, қачон бўлмасин, тушимдами мен аксил инқилобчи бўлган эканманда, мана мени қамамоқчилар, деб ҳайрон бўлади. Натижа милиция бошлиғи уни маълумотнома ёздириш учун чақирган экан... Вокзалда яна ўша Ҳазарбоғ (қулоқлар савхози) директорининг хотинини ҳамманинг кўз олдида тинтийдилар, чунки улар унинг Ҳазарбоғдан Тошкентга бир пудми, ярим пудми ун олиб кетаётир деган хабарни олган эканлар. Агар у ҳақиқатан ҳам савхоз директорининг хотини бўлса нима учун ун олиб кета олмайди.

[16] ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 7985-йигма жилд, 13–16-варақлар.
[17] ЎзР ПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 6377-йигма жилд, 25-варақ.

Сканировано с CamScanner

Мана сизга савхоздаги аҳвол...Мана қўрқинч нимадан иборат. Бизнинг мамлакатимизда бундай аҳволлар юз бермаслиги учун, тездан ўзгариш ясавимиз керак(!).."[18].

Албатта, бу Ф.Хўжаевнинг сталин тузуми ва унинг сиёсатига нисбатан расмий муносабати эди.

Коллективлаштиришни янада авж олдириш мақсадида КП(б) Марказий Комитетининг ташаббуси билан "йигирмабешмингчилар" ҳаракати ташкил этилди. Москва, Ленинград, Иваново-Вознесенск ва бошқа саноат марказларидаги ишчилардан ташкил топган бу ҳаракатнинг вакиллари Ўзбекистонга келди. Улар республиканинг ўзидан "отилиб чиққан" ишчилар билан бирга қишлоқларга бориб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга "киришдилар". Қишлоқ хўжалигининг нозик томонларидан мутлақо бехабар бу ишчиларнинг кўпчилиги туман миқёсидаги раҳбарлик лавозимларини, жамоа хўжаликларига раис, раис ўринбосарлари ва правление аъзолари бўлиб сайланди. РСФСРнинг марказий районлари Ўзбекистоннинг айрим туманларини оталиққа олди. Маълум бўлишича, 1934 йили баҳор кечикиб, давлатга пахта топшириш режасини бажариш хавф остида қолган. Бу ҳолдан ташвишланган Марказ махсус жазо бригадасини Ўзбекистонга юборди. Бригада хулосасида, баҳорнинг кечиккани ва ғўзани ўз вақтида экиш имкони бўлмагани, жамоа хўжаликларига миришкор деҳқонлар эмас, балки Россиядан келган ишчилар – "йигирмабешмингчилар" раҳбарлик қилгани эмас, бунда асосий айбдор деб "қулоқлар"у савдогарлар, руҳонийлару собиқ амир амалдорларининг айби билан содир этилганлигини "исботлаб" берилди. Хуллас, партия ўз олдига қўйган қайси оламшумул режани бажара олмаган бўлса, доим синфий душманларни айблаб келган ва ўзи йўл қўйган ҳар бир хатони уларга ағдариб, минглаб ва миллионлаб кишиларнинг ёстуғини қуритиб келган. А.Икромов колхозлардаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиб, ана шу ҳақсизликларга нисбатан ўз муносабатини баён қилиб: "... жуда нари борганда бу ўртоқлар қулоқнинг ўзини ахтарадилар, уни топадилар, қамайдилар, қулоққа қарши қилинатурган чораларни қиладилар ва шундан кейин ўзларини синфий кураш майдонидаги чинакам полвонлар деб ҳисоблайдилар..."[19] –

[18] Ф.Хўжаев. Янги даврда шўролар вазифаси. Тошкент: Ўздавнашр, 1933. –Б. 8–22.

[19] А.Икромов. Большевикча зўр бериб уюшқоқлик билан қийинчиликларни енгайлик. Тошкент: Ўзпартнашр, 1934. –Б. 6.

Сканировано с CamScanner

дейди. Шу ўринда шўролар сиёсати ҳаётидан қатор мисоллар асосида фикрини асослайди. "Бошқа бир мисол – минерал ўғит солиш тўғрисида. Янги қўрғонда номига агроном бўлган бир киши майнинг бошида ҳали пахта жуда кичкина бўлган бир пайтда колхозчиларга "ҳозир пахта чопилаяпти ўғит солинг" деб буйруқ берган. Колхозчилар "йўқ, ҳали бу чинакам чопиқ эмас, шунчаки юмшатиш, ғўзанинг илдизи ҳали қотмаган, чинакам чопиқни 5–6 кундан кейин ўтказамиз, ўғитни шунда соламиз" деганлар. Аграном қайсар экан. Колхозчилар унинг буйруғини бажарганлар, натижада пахта куйиб қовжираб кетган. Минерал ўғитнинг фойдали эканлигини ким билмайди, аммо бунда ҳам маъмуриятчилик зарар беради. Ёки трактор билан экиш масаласини олайлик. Биз ҳаммамиз – трактор билан экиш тарафдоримиз, аммо бу ерда ҳам маъмуриятчилик зарардан бошқа нарса етказмайди. Қўқоннинг Мулкабод участкасида 386 гектар ер трактор билан экилган, фақат 60 гектар ердан ғўза чиққан"[20] – деб колхоздаги маъмуриятчиликка кўпгина мисоллар келтириб, ҳатто, бир фаолни трактор билан экишга бир-икки кун бор дегани учун "оппортунист"га чиқарилганини мисол қилади. Файзулла Хўжаев асарларида ҳам шўролар тузумида авж олиб бораётган маъмурий буйруқбозлик сиёсатига нисбатан кескин фикрларни баён этади. У "Ҳолбуки, шундай районлар бор эканки, у ернинг пахтасини 5 маротаба суғориш айни зиённинг ўзгинаси. Бундай ерлар пастқамлик, зах ерлар бўлиб 5 маротаба суғорилганда ботқоқликка айланадир. Бундан бошқа нарса чиқмайдир. Шундай ерлар ҳам борки, сув жуда пастда бўлиб, ер қуриқ бўладир. Бундай ерларни 7 эмас 8 суғорув керакдир. Бу фойда берадир. Деҳқонлар буни билмайдиларми? – Албатта, жуда яхши биладилар. Улар тажрибали. Нега бўлмаса уларнинг тажрибасидан фойдаланмайди? – Чунки, маъмуриятга қараб иш қилиш жуда кўпайган. Вакиллар ўз ёнларида агроном олиб келадилар, аммо улар бу ерни билмайдилар ва бу ерда ўн йиллаб ишлаган деҳқон билан маслаҳатлашиш ўрнига суғориш ва чопиқ тўғрисидаги директивани механик тарзда амалга оширадилар[21]" дейди. Маъмурий буйруқбозлик оқибатида вужудга келаётган кўплаб кўнгилсизликлар ва лаганбардорлик, шахсга сиғиниш

[20] А.Икромов. Большевикча зўр бериб уюшқоқлик билан қийинчиликларни енгайлик. Тошкент: Ўзпартнашр, 1934. –Б. 9.

[21] Ф.Хўжаев. Икки доклад. Тошкент Самарқанд: Ўздавнашр, 1932. –Б. 33–34.

Сканировано с CamScanner

ҳолатлари кучайиб борди. Жумладан, Ф.Хўжаев: "Менга, районлардаги шу нарса оғир таъсир қилдики, деҳқонларнинг кайфиятлари жуда ҳам тушган, берилган саволларга истаксиз жавоб берадилар... Бу ерда, колхознинг раиси хўжайин, бригадир кичик хўжайин деб аталади. Район ижроқўм раиси катта хўжайин деб аталади... камбағалларни уларнинг фаол чиқишлари учун жазолаш ниятида уларни босмачиларнинг ёрдамчиси сифатида кўрсатиб, бизнинг ташкилотни алдаганлар ва бир қанча камбағаллар қамалганлар, ҳатто бизнинг аппаратимиздаги бир хил жиноятчилар, деҳқонларни урганлар..."[22] – дейди. Шунингдек, А.Икромов: "районларда "катталаримиз" деган сўз ҳукм суриб қолган. Ҳозир районларда катта кичик ҳамма бошлиқларни "Ота" деб аташади. Ҳатто, Шодиевани ҳам "ота" дейишади, мен уларга Шодиевани "ота" деманг "она" денг дедим"[23] – деб бу лаганбардорликни йўқотиш лозимлигини айтиб, кулгига олади.

Шу ўринда МТСларнинг сиёсий бўлимлари қишлоқ сиёсатида қатағонларни уюштиришда бош омил бўлиб хизмат қилган ва улар Москва раҳбариятининг истагини амалга ошириб бориб, кенг миқёсли жазолаш ҳаракатларини амалга оширдилар. Улар ҳужжатли маълумотларга қараганда, 1930–1933 йиллар даврида колхозларга, "суқилиб кириб олган" қулоқлар ва "ёт унсурлар"дан 30 мингдан ортиқ кишини ҳайдаб чиқарганлар. Улардан аксарият қисми бир қолипда "жамоалаштиришга қарши фаол чиқишлари учун"[24] деган айб бўйича қатағон қилинди.

Умуман, 1937 йилга келиб "колхозга қарши кайфиятда бўлганлик учун", "қарзларни тўламаганлик учун", "қулоқлар"га мансублиги учун жамоалаштиришнинг аввалги йилларини ҳам ҳисобга олганда 60 мингдан ортиқ киши қатағонга учради. Мана шу тинимсиз қатағон ва зўровонликларга нисбатан Акмал Икромов ўз чиқишларида кескин қарши муносабат билдиради. У маърузасида: "Норин районида бир йилда 138 колхоз раиси алмаштирилган... Тўда қишлоқ шўросининг раис муовини Саидов маълумот бермагани учун "Қаҳрамон" колхозининг раиси ва ҳосилот раисини қамаб қўйган. Бир неча колхозчи

---

[22] Ф.Хўжаев. Янги даврда шўролар вазифаси. Тошкент: Ўздавнашр, 1933. –Б. 8–22.

[23] А.Икромов. Большевикча зўр бериб уюшқоқлик билан кийинчиликларни енгайлик. Тошкент: Ўзпартнашр, 1934. –Б. 12.

[24] РГЭА, ф. 446, оп. 1, д. 187, л. 22–23.

Сканировано с CamScanner

ишга чиқмагани учун "Октябр" колхозининг раисини ушлаб қамаган. Пахта пунктидан ремонтланган асбобларни олмагани учун колхоз партия ячейка котиби Бердиқулов қамоққа олинган. Пахтани жўяк усули билан эккани учун "Қизил куч" колхозининг раиси ва ҳосилот шўро раиси қамаб қўйилган. "Сабзавот" колхозида ишга чиқмагани учун 10 киши қамоққа олинган, 3 нафар колхозчи бунга норозилик билдиргандан кейин яна 10 киши қамаб қўйилган ва бу 3 киши норозилик билдиргани учун колхоздан ҳайдалган (қулоқ қилинган – муаллиф). Жуда яхши кўриниб турибдики, районнинг раҳбарлари Ризаев ва Гутов ўртоқлар қишлоқ хўжалигини мана шу қамашлар орқали ривожлантириш керак деб ўйлайдилар шекилли. Бўлмаса мана бундай бўлмағур қамашлар, номаъқул маъмуриятчиликлар ҳеч қачон бўлмас эди"[25] – дейди. У ўз фикрини давом эттириб: "Олайлик, қонундан ташқари қамашларни. Бундай қамашларни кўп районларда учратасиз. Биз иш жараёнида ҳеч бир сабабсиз бир йил, бир ярим йил қамалиб ётиб, кейин ҳеч қандай жиноят йўқлиги учун чиқириб юборилганларининг фактларини кўплаб топдик... Аммо, ўртоқлар, бизнинг социалистик ҳужумимизда бош нарса бу сиқиш (репрессия) эмас;... Бизда шундай тентаклар борки, улар синфий душман билан курашнинг муваффақиятини фақат сиқилган синфий ёт унсурларнинг сони билан ўлчайдилар... Ахир, шундай кишилар борки, улар: "Ўтган ойда район 100 кишини чиқариб ташлаган эдик; бу ойда 50 кишини чиқариб ташладик демак синфий кураш бизда бўшашди" дейдилар... Бу тўғрими, бу албатта нотўғри"[26] – деб, сталинча репрессия сиёсатига қарши чиқади. Бироқ, мавжуд шароитда у бундан бошқа ишни амалга оширишга қодир ҳам эмасди.

Шундай қилиб, "қулоқларни синф сифатида тугатиш" масаласи узил-кесил ҳал қилинди. Мазкур даврга тегишли манбаларда шахсга сиғиниш аломатлари яққол кўзга ташланади, пахта монокультураси сиёсати қарор топганини, ҳатто Молотов ва Сталиннинг пахтани суғориш тўғрисидаги телеграммаларини кўриш мумкин. Акмал Икромов ЎзКП(б) Марказқўмининг IV пленумидаги нутқида Тўрабеков, Каримов ва Болтабаевларга кадрлар масаласи бўйича мурожаат этади ва кадрларни авайлаш

[25] А.Икромов. ЎзК(б)П қурултойига марказқўм ҳисоби. Тошкент: Қизил Ўзбекистон, 1934. –Б. 36.

[26] А.Икромов. ЎзК(б)П қурултойига марказқўм ҳисоби. Тошкент: Қизил Ўзбекистон, 1934. –Б. 84.

Сканировано с CamScanner

уларга йўл кўрсатишни уқтириб ўтади ва у: "Биз кўпинча уриб юборишга устамиз, яъни кадрларни кўтариш ва тарбиялашга келганда, бу ишни ҳамма вақт ҳам қила олмаймиз... Бизда, Ўз К(б)П Марказқўми аппаратининг партия ташкилотларида эса бу тўғрида анча ҳовлиқиб кетганлар. Ўз ишидан ҳисоб беришдан мақсад одамнинг устидан ҳеч бир суд ўтказиш эмас, балки кадрларни тарбиялаш, ўстириш, кишиларга ёрдам беришдир. Буни англаш керак"[27] – дейди. Албатта, бу сўзлар Ўзбекистонда эмас, Сталин ҳукуматининг қирғин сиёсатига нисбатан ҳам айтилаётган эди.

Жамоалаштириш қишлоқ хўжалигига жуда оғир зарар бўлиб тушди. Республикада очарчилик бошланди (1933 йил). Ғалла етиштириш кескин қисқарди. Чорвачиликка ҳаддан ташқари катта зиён етди[28]. Мамлакатдаги донли экинлар етиштириш масаласида аҳвол оғирлашиб борди. Боиси, обикор ерларнинг пахта майдонларига ажратилиши бу соҳани тобора хонавайрон этиб борди. Ф.Хўжаев масалани таҳлил этар экан, 1934 йил "Қурилишимизнинг энг муҳим вазифалари" асарида: 1928 йилдан 1933 йилгача обикор ерлардан 349,1 минг гектар донли экин сиқиб чиқарилганлиги, бу йилларда лалмикор ерлар 773,4 минг гектардан 1118,5 минг гектарга га ортишига қарамай ҳосилдорлик 1 млн пудга камайиб кетганлигини таъкидлайди[29]. Ҳамда Файзулла Хўжаев: "Маъмурий ўзбошимчалик – бу районлардаги ташкилотларимизнинг бош методидир. Инқилобий қонуниятни ҳам молия бўлими, ҳам қишлоқ шўроси ва ҳам милиция бузиб келмоқда... Биз бу районларда маҳаллий кадрларни вужудга келтиришимиз... Ундан ташқари, ҳозир Марказқўм Халқ Комиссарлари Шўросининг топшириғи бўйича, Ер ишлари Халқ Комиссарлиги район ва ички планлаштирувда қилинган хатоларни, баъзи колхозларнинг кўп, баъзиларининг кам олишлари, якка деҳқонларга уларнинг имкониятларини ҳисобга олмай иш юклаш каби нотўғри ҳолатларни тузатиш лозим[30]" – деб хулоса қилади.

Чорва моллари сонининг кескин камайиб бориши колхозлаштириш жараёнининг сунъий тезлаштирилиши,

---

[27] А.Икрамов. ЎзК(б)П Маарказқўмининг IV пленумидаги нутқи. Тошкент: Ўзпартнашр, 1935. –Б. 53.

[28] "Социалистическое сельскоехозяйство Узбекистана". 1939. №11–12. С. 97–98

[29] Ф.Хўжаев. Қурилишимизнинг энг муҳим вазифалари. Тошкент: Ўздавнашр, 1934. –Б. 74.

[30] Ф.Хўжаев. Қурилишимизнинг энг муҳим вазифалари. Тошкент: Ўздавнашр, 1934. –Б. 80–81.

Сканировано с CamScanner

зўровонликлар ва халққа тушинтиришда камчиликка йўл қўйилганликнинг оқибати эди. Ф.Хўжаев ҳар қандай ҳолатда мамлакатда обод хўжаликни сақлаб қолиш тарафдори бўлди, у "Биз, умуман ўз олдимизга ушбу вазифани – Шўролар Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлган Ўзбекистонни, шу билан бир вақтда, ўзини ғалла билан етарли миқдорда ўзи таъмин қилишга интилиши лозим бўлган ва кучли ғалла хўжалигига молик жумҳуриятга айлантириш вазифасини қўйишимиз лозим, ундан ташқари, Ўзбекистонни катта чорвачилик базасига айлантириш вазифасини ҳам қўя олишимиз, масалани мутлақо ана шундай қилиб қўйиш тўғри бўлажак. Ана шунинг учун, Бухоро районларидаги қора кўл қўйларини сиқиб чиқариш эмас, балки аксинча, бу қўйчиликни ҳар томондан авж олдириш лозим ва шундай қилиш керакки, ҳар бир колхоз, ҳар бир колхозчида қоракўл қўйи бўлсин, шундай қилиш керакки, Фарғона, Тошкент ва Самарқанд районларидаги ҳар бир колхозда қуйруқли қўй бўлсин, шундай қилиш лозимки Тошкент ва Қашқадарё районларида қора молчилик ривож топсин. Зарафшон, Шаҳрисабз ва Чироқчи районларида йилқичиликни авж олдириш керак. Бойсун ва Паркент районларида эчкичиликни ривожлантириш лозим... Жун ва тери, бизнинг ҳозиргача ҳам молларга бўлган эҳтиёжи тўла қопланмасдан келаётган кўн ва жун саноатимиз учун энг зарур хомашёдир.[31]" – дейди. Файзулла Хўжаев томонидан илгари сурилган бу фикрлар бугунги мустақил Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Чунки, Ф.Хўжаевнинг бу фикрлари маҳаллий шарт шароитни ўз даврида жуда чуқур ўргангани ва ўлканинг иқтисодий минтақалашувининг тарихий жиҳатларини инобатга олган ҳолда айтилган эди.

Жамоалаштириш тўс-тўполонлари пахтачиликка ҳам таъсир кўрсатди, пахта яккаҳокимлигининг ялпи оммалашувига олиб келди. 1930 йилнинг баҳоридан бошлаб СредазЭКОСО республика ҳукуматидан ёппасига жамоалашган туманларда "тўртдан уч қисм майдонга чигит экиш"ни талаб қилди.

Республика раҳбарияти имкони борича ялпи пахтачиликни авж олдиришдан иборат ҳалокатли жараённи тўхтатиб қолишга уриниб кўрди. Ф.Хўжаев масалага ўз муносабатини билдириб: "... Ўртоқ Икромовнинг ушбу қурултойда айтиб ўтган мавзу тўғрисида ҳам айтиб кетишим лозим. Бу мавзу ёлғиз пахтагина экиш масаласидир.

[31] Ф.Хўжаев. Қурилишимизнинг энг муҳим вазифалари. Тошкент: Ўздавнашр, 1934. –Б. 107.

Сканировано с CamScanner

Ёлгиз пахта экиш фикрига қарши кураш олиб боришимиз лозим. Экинларимизнинг 90–95% фақат пахтадан иборат бўлган даврлар ҳеч бир натижага олиб боролмади... Тўппа-тўғри айтиш керак, бизда пахта масаласини ҳозирги пайтда фақат майдонлар билангина ҳал қилишни истаган ва бу колхоз, участка ёки районда қанча кўп пахта экилса ўшанча яхши деб ўйловчи "сўл"лар бор. Улар колхозчи учун маълум озиқ баъзаси зарур бўлганида, колхоз оти, ҳўкизи ёки сигири маълум ем хашаклар талаб қилганига аҳамият бермайдилар[32]" – деганди. У пахта майдонларини қисқартириш ва алмашлаб экишнинг афзалликларига эътибор қаратиб, колхознинг иқтисодий базасини мустаҳкамлашга интилади. Кузги шудгор, шўр ювиш ва бошқа рационал усуллар орқали унумдорликни ошириш эвазига пахта майдонларининг тинимсиз кенгайтириб борилаётганига қарши чиқади.

"Лалмикор ерларда кузги шудгорни сифатли амалга ошириш, омоч билан тирнаб чиқиб, донни сепиш ва кам ҳосил навлар натижасида ҳосилдорлик 3–4 центнердан ошмайди. Ўша ҳосилнинг ҳам ярми гармсел шамоллари натижасида йўқ бўлмоқда. Яхши навлар учун кураш лозим" – дейди. Ва у: "Сўз тўғри келганда шуни айтиб ўтишим керакки, ўрмон хўжалиги тўғрисидаги масала, бу ишни амалга қўйиш ҳам... баҳорикор районлар учунгина эмас, балки бошқа нуқтаи назарлардан ҳам муҳимдир. Ўрмон хўжалигини тўғри уюштириш – бизнинг сув бойликларимизни кўпайтириш учун курашдир. Тоғларимизда ўрмон ўтқазсак сув запасларимиз албатта кўпаяжак, бу – ҳеч шубҳасиз ҳақиқат. У фан томонидан исбот қилинган, минг йиллар давомида амалда синалгандир. Бизнинг сув манбаларимизга қарасангиз, ўрмонлар йиртқичларча кесиб олинган, ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш ишлари яхши йўлга қўйилмаган жойларда сув сўнгги йилларда камаяётир. Ўрмон, ерларимизни қумларнинг ҳаракатидан сақлаш нуқтайи – назаридан ҳам катта аҳамиятга эга. Бу масала Хоразм ва Бухоро районлари учун муҳим[33]" – дейди. Бу фикрлар ҳам ўз даври учун ўта нодир ҳодиса эди. Бу ҳам у инсоннинг ўз вазифасига нисбатан на қадар масъулияти ва узоқни ўйлаб юритган сиёсатидан далолат берар эди.

---

[32] Ф.Хўжаев. Қурилишимизнинг энг муҳим вазифалари. Тошкент: Ўздавнашр,1934. –Б. 49–50.

[33] Ф.Хўжаев. Қурилишимизнинг энг муҳим вазифалари. Тошкент: Ўздавнашр, 1934. –Б. 59–60.

Сканировано с CamScanner

30-йилларда совхоз қурилиши тез суръатлар билан амалга оширилди. У кўп жиҳатдан "СССРнинг пахта мустақиллигини қўлга киритиш" вазифаларини таъминлашга бўйсундирилган эди. "Жамоалаштириш" натижасида мажбуран ташкил қилинган "колхоз-совхоз тузуми" ердан фойдаланишнинг яроқсиз шакли бўлиб, охир-оқибатда аграр ишлаб чиқаришни таназзулга олиб келиши муқаррар эди. Давлатнинг қишлоқдаги азалий анъанавий хўжалик алоқалари тизимига ёппасига аралашуви, қишлоқ хўжалиги учун мутлақо зарарли бўлган социалистик муносабатларнинг мажбуран тиқиштирилиши мустақил ривожланишнинг ички имкониятларини барбод қилди, қишлоқ меҳнаткашларининг онги эса бузилиб борди. Деҳқонлар ерга ва ишлаб чиқаришга эгалик туйғусини, минг йиллардан буён сингиб келган меҳнатсеварлик фазилатларини йўқотиб бордилар, улардаги меҳнатга, касб маҳоратига бўлган меҳр-муҳаббат совиб борди. Албатта, рисоламиздан кўзда тутилган мақсад шуки, ҳақиқий тарихий воқелик ва унда маҳаллий раҳбарларнинг иштирокини аниқлашдир. Ўзбекистон тарихи фанидан яратилган дарсликларда бутун воқелик ягона уйғунликда тасвирланиб, марказий ҳокимият ва маҳаллий ҳокимият ўртасидаги асосий зиддиятлар ўз ифодасини топмаган. Бу эса Сталин ҳукуматининг маҳаллий раҳбарларга нисбатан амалга оширган қонли қатағон сиёсатининг асл сабабларининг ўқувчи тасаввурида амалда илмий асосини топа олмаслига олиб келган. Агар шўро "аграр ислоҳоти"нинг дастлабки кунларида унга норозилик "18лар гуруҳи" мисолида намоён бўлган бўлса, кейинчалик бу зиддиятлар кенгайиб борди. Ва бу кураш маҳаллий раҳбарлар армиясининг бутунлай маҳв этилиши билан якунланган эди.

РЕСПУБЛИКАДА САНОАТ ҚУРИЛИШИНИНГ СУНЪИЙ ЖАДАЛЛАШТИРИЛИШИ ВА ИНҚИРОЗЛИ ҲОДИСАЛАР

20-йилларнинг ўрталарига келиб Совет давлатида халқ хўжалигини тиклаш асосан тугалланди. Ўзбекистон саноатида ҳам муайян муваффақиятларга эришилди. 1925/26 хўжалик йилидаёқ саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи маҳсулоти 1913 йилги ҳажмининг 79,4%ини ташкил қилди. Ишчилар сони бу вақтда 11.900 кишига етди[34]. Улардан 29,3%ини маҳаллий

[34] Материалы к отчету правительства УзССР ЦИК Советов СССР. –Т., 1927. С. 12.

Сканировано с CamScanner

миллатларнинг вакиллари ташкил этарди[35]. Тиклаш даврининг муваффақиятли тугалланиши кун тартибига саноат қурилиши кўламини жиддий равишда кенгайтиришдан иборат янги вазифани қўйди. Чунки, СССР ҳамон кўпроқ аграр мамлакат бўлиб қолаётган эди. 1925 йил декабрда ВКП(б) XIV съезди "социалистик индустрлаштириш" йўлини авж олдиришни эълон қилди.

Қабул қилинган беш йиллик режа ва унинг бир қатор топшириқлари эскириб қолган деб эълон қилинди. "Индустриал ўсиш"нинг янги дастури асоссиз равишда кўпайтириш томонига қайта кўриб чиқилди. 1930 йилнинг ёзида ВКП(б) XVI съездида Сталин қатъий қилиб, бир қатор етакчи тармоқлар бўйича беш йиллик режа 2,5–3 йилда бажарилади, деди. Сталинча субъектив жадаллаштириш усули бутун совет мамлакатида, шу жумладан, Ўзбекистонда бош усул бўлиб қолди.

Дарвоқе, Ўзбекистон учун саноат қурилишини кенг суръатда жадаллаштириш ниҳоятда зарур эди. Республика иқтисодиёти 20–30-йиллар чегарасида ҳам аграр хусусиятига эгалигича қолаётган эди. 1927 йилда Ўзбекистон халқ хўжалигида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 62,6%, саноатнинг салмоғи 38,4%ни ташкил этар, шу билан бирга саноат ишлаб чиқаришининг 90%и қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашга асосланган эди[36]. Иқтисодиёт хом ашё йўналишида бўлганлиги сабабли республика саноати фақат бир томонлама ихтисослаштирилаётган эди: унинг 2/3 қисмига яқини пахта тозалаш саноати ҳиссасига тўғри келарди, у бутунлай метрополия эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиларди, унинг бошқа тармоқлари ўз ҳолича ривожланиб, умуман, Ўзбекистон иқтисодиёти билан заиф боғланган эди. Марказ Ўзбекистон саноатини фақат ўзининг манфаатлари йўлида ривожлантиришни амалга ошириб келди. Узининг моҳияти жиҳатидан унитар давлат бўлган Совет давлатининг ягона халқ хўжалик мажмуида Ўзбекистонга чоризм давридагидек хом ашё етказиб берувчилик вазифаси юклатилди.

Биринчи беш йиллик даврида Ўзбекистонда 289 та саноат корхонаси қурилди ва ишга туширилди. Ана шу даврда Ўрта Осиёда пахтачилик машинасозлигининг тўнғичи бўлган "Тошқишлоқмаш", Қувасой цемент заводлари барпо этилди.

[35] История рабочего класса Узбекистана. Т.1. –Т., 1965. С. 112.
[36] ЎзР МДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 15-йиғма жилд, 3-варақ.

Сканировано с CamScanner

"Чирчиққурилиш", Тошкент тўқимачилик комбинати қурилиши тез суръатлар билан олиб борилди. Фарғонада тўқимачилик фабрикаси ва ёғ заводи, Тошкент, Бухоро ва бошқа шаҳарларда тикувчилик фабрикалари ишга туширилди. Саноатнинг ривожлантирилиши энергетика базасини кенгайтиришни талаб қиларди. Янги электр станциялари Фарғона, Самарқанд, Тошкент ва бошқа жойларда қурилди. 1932 йилда барча электр станцияларининг сони 1928 йилдаги 16 та ўрнига 49 тага етди, электр қуввати ишлаб чиқариш эса 7 баравардан зиёдроқ ошди[37].

Бироқ, бутун иттифоқда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам биринчи беш йилликнинг ўта юқори қилиб белгиланган режаларини амалга оширишнинг иложи бўлмади. Саноат қурилишидаги зарур нисбатларнинг бузилиши, ноаниқ топшириқлар, мутахассис кадрларнинг йўқлиги саноатни ривожлантиришга ажратилган маблағлардан тўлиқ фойдаланиш имконини бермади. Иккинчи беш йиллик(1933–1937 йиллар)нинг дастлабки топшириқлари кескин пасайтирилди. Ўзбекистонда барпо қилинадиган саноат корхоналари маҳаллий шароит ва миллий манфаатларни эмас, балки, Марказ эҳтиёжлари ҳисобга олиниб режалаштирилган эди. Масалан, Чирчиқдаги азотли ўғитлар заводи ва Тошкент тўқимачилик комбинатини барпо этиш Ўрта Осиё минтақасида пахтачиликни ривожлантиришдан иборат бўлган. Умуман, иккинчи беш йиллик даврида 189 та турли саноат корхоналари ва электр станциялари барпо этилди. СССРнинг умумий халқ хўжалик мажмуида Ўзбекистоннинг ихтисослашуви охиригача бутунлай ўзгармади, у чоризм даврида қандай бўлса, шундайлигича қолаверди. Ўзбекистон иқтисодиётининг атайлаб индустриал-аграр йўналишга бурилиши Иттифоқнинг марказий минтақалари саноат жиҳатидан ривожланишини таъминлаш билан мустаҳкам боғлиқ эди. Натижада республиканинг ўзига хос иқтисодий манфаатлари назар-писанд қилинмади, унинг табиий иқлими, хом ашё ресурсларидан аёвсиз фойдаланилди, бу эса аграр секторда тубсиз ўпирилишларга олиб келди.

Жадал индустрлаштириш усуллари жуда катта миқдордаги маблағларни талаб қилар, бу эса меҳнаткаш кишилар елкасига оғир юк бўлиб тушар эди. Кенг халқ оммасининг ижтимоий эҳтиёжлари Совет давлатининг бюджет сиёсатида иккинчи ўринга

[37] ЎзР МДА, 88-фонд, 1-рўйхат, 2455-йиғма жилд, 120-варақ.

Сканировано с CamScanner

тушиб қолаётган эди. Ишчилар синфи сафларини тўлдиришнинг асосий манбалари – ишсизлар, деҳқонлар, уй бекалари бўлган аёллар, ёшлар эди. СССРнинг марказий районларидан аҳолини сунъий равишда оммавий олиб келиниши ҳам халқ хўжалик мулоҳазаларидан эмас, балки сиёсий мулоҳазалар тақозосидан эди. Шу асосда маҳаллий аҳоли билан европалик аҳоли ўртасида ўзига хос меҳнат тақсимоти қарор топди. Маҳаллий аҳоли асосан қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, бу тармоқ ҳаддан ташқари марказлашувдан, пахта якка-ҳокимлигидан зарар кўраётган, оғир меҳнат талаб қиладиган ва кам ҳақ тўланадиган тармоққа айланиб бораётган эди. Европалик аҳоли вакиллари эса саноатнинг муҳим тармоқларида ва ақлий меҳнат ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида, яъни аграр секторга қараганда анча юқори ҳақ тўланадиган, яхшироқ шароитга эга бўлган тармоқларда ишлар эди. Бу тамойил жамият тараққиётига тўсқинлик қилар, маҳаллий аҳоли орасида норозилик келтириб чиқарар, миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви учун омил бўлиб хизмат қиларди. Шунга қарамасдан, Марказ билан республикамиз ўртасидаги империяча муносабатлар тизими, "юқоридан" тазйиқ қилиш амалиёти, раҳбарликнинг буйруқбозлик-расмиятчилик усуллари Ўзбекистон саноатида чуқур из қолдирди. Мазкур даврни ўрганишда тегишли манбалардан унумли фойдаланиш даврнинг холис тарихини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Архив манбалари, шўро ҳукумати томонидан олиб борилган съездлар, уларда чиқарилган қарорлар ва йиғилиш стенограммалари, вақтли матбуотдаги айрим мақолалар, маҳаллий давлат арбобларининг нутқ ва асарларини ўрганиш жараёнида Марказ ва маҳаллий ҳокимият ўртасидаги айрим тафовутлар яққол кўзга ташланади. Мавжуд манбаларни чуқур тадқиқ этиш Ўзбекистонда "Катта қирғин"нинг келиб чиқиши ва амалга оширилишида, ижтимоий муносабатлардаги зиддиятларни англашда айниқса аҳамияти каттадир. Марказ саноатлаштириш кампаниясига зўр бериб авж олдираётган бир пайтда Ф.Хўжаев ўз асарида бу сиёсатнинг нооқилона, иқтисодиёт қонунларини назар писанд қилмай амалга оширилаётганлигига эътибор қаратади. У: "Мен Илъич заводини назарда тутаман... Халқ Хўжалиги Шўроси ва заводнинг ўзига маълум бўлганки, завод режаси бўйича ишлаш учун 50% маъдан етишмайди. Бундан қандай натижа чиқарув керак? Биринчидан, темир парчаларини сафарбар қилиш керак эди.

Сканировано с CamScanner

Аммо, шундан сўнг ҳам етишмас экан, у ҳолда заводнинг ишини керакли равишда қайтадан қуриш лозим эди. Халқ Хўжалиги Олий Шўроси билан завод раҳбарияти нима қилади? Улар, илгари тузилган катта режанинг бажарилишига мўлжалланган ишчи кучини ва шу режанинг бажарилиши билан боғланган бутун нарсаларни сақлайдирлар. Натижа нима бўлади? Сарф кўпайиб кетади. Асоссиз иш ҳақлари, иш унуми ҳеч қўйилиши мумкин бўлмаган даражага тушади ва натижада завод ўзининг молиявий аҳволи бўйича оғир аҳволга тушиб қолади ва энди бир комиссарликдан иккинчи комиссарликка югуриб заводни сақлаб қолиш учун банкнинг ёрдами тўғрисида югурадилар. Фарғона тўқимачилик фабрикасининг ишини олайлик. Унинг бутун иши тажрибавий ишлаб чиқариш бўлиши керак эди. Фабриканинг унча катта бўлмаган ҳажмига қарамасдан, биз уни диққатимизнинг марказига қўйган эдик. Унга зўр сиёсий аҳамият берган эдик. Бу фабрикада нима рўй берди? Икки йилдан бери фойда ўрнига зарар келтириб ишлаб тургани камдек, кўп бетартибликларга йўл қўймоқда. Фабрика ишидаги тартибсизликлар нималардан иборат? Аввало, механизмлар, дастгоҳлар ва машиналардан хўжасизларча фойдаланиш натижасида унинг эҳтиёт қисмлари зарарланган. Ишчи кучининг оғиб туриши фабрикада 100%ни ташкил қилади, дейиш мумкин. Агар бу кун юз кишини ишга олишган бўлса, бир ҳафтадан сўнг яна юз кишини ишга оладилар, чунки аввалги юз киши фабрикадан чиқиб кетган бўладир. Бунинг сабаби шуки, на Халқ Хўжалиги Олий Шўроси ва на фабрика маъмурияти ишчилар учун ҳеч қандай шароит яратиб бермаганлигидир. Марказдан ихтисосли ишчилар чақирадир. Бу ишчилар ҳам кетишади. Яна қайтадан чақирадилар. Шу билан яна пул сарф қилинади. Колхозлардан келган ишчиларга муносабат ҳам шу. Ишлаб чиқарган нарсаларининг сифати ёмон. Фабрика пахтачилик районининг марказида бўлувига қарамасдан, негадир унга учинчи нав пахта берилиши керак. Яна уни бошқа районлардан олиб келтирилиши керакдир. Ҳолбуки пахтани Фарғонанинг ўзидан олиш мумкин. Буни ВХБОнинг Ўрта Осиё бўлими қиладир. Раҳбарлик ҳайъатидан ҳеч бир киши бу тартибсизлик ва жиноий иш тўғрисида на партия на шўро ташкилотлари олдига масала қўймайдир"[38] – деганди. Шунингдек қурилишлардаги сусткашлик, сансалорликлар, кустар саноатга

[38] Ф.Хўжаев. Икки доклад. Тошкент Самарқанд: Ўздавнашр, 1932. –Б. 23–24.

Сканировано с CamScanner

нисбатан шўролар давлатидаги нотўғри муносабатни танқид қилади.

Сталин ҳукумати капиталистик тузумнинг чириб бориши ва дунёни "иқтисодий кризис" ларзага солаётгани ҳақида ҳамда шўролар томонидан эришилган "ютуқлари" билан бутун дунёнинг "кўзини бўяётган" бир пайтда А.Икромов "ЎзК(б)П қурултойига марказқўм ҳисоботи"да 1934 йил саноатдаги режа 72%га бажарилганлигини, 1933 йилга келиб саноат маҳсулотларининг нархи камайиш ўрнига ортиб кетганлигини таъкидлайди. Саноат корхоналаридаги ишламай туриш ва сифатсиз маҳсулотларнинг кўпайиб бораётганлигини айтиб ўтади, у: "Хилково заводидаги пустой (бекор туриш) йилига 30–40% ва завод йилига 360 кундан тахминан 140–160 кунни бекор ўтказади. Бу ҳолат Бухоро пиллакашлик фабрикасида 26,9%, Бешариқ момиқ фабрикасида 33%, Самарқанд саноатида эса тағин ҳам кўпроқни ташкил этади. Корхоналарнинг маҳсулотидаги брак (бузуқ маҳсулот) катта даражага етади. Ф.Хўжаев номли пойафзал фабрикасида брак 50%га, Фарғона тўқимачилик фабрикасида 40%га етади ва ҳаказо"[39] – дейди. Катта қурилишлар ва рақамлар кетидан қувиб сифатнинг иккинчи даражага тушиб қолаётгани ташкил этилаётган ҳашарлар аслида ишни ташкил этишда камчиликларни юзага келтираётганига очиқча эътибор қаратган эди.

Саноат қурилишини сунъий жадаллаштиришнинг чуқур нуқсонлари Совет давлати худудидаги барча саноат ишлаб чиқаришида сифат кўрсаткичларининг паст бўлишини тақозо этди. Иқтисодиёт қонунларини чуқур англаган Ф.Хўжаев шўро саноатлаштириш сиёсатини таҳлил этар экан, у: "Маълумки, бизнинг саноатимиз, айниқса жумҳурият аҳамиятига эга бўлган саноат, 1933 йилда програмни бажармади баъзи тармоқларда ҳатто 1932 йилги даражадан пасайиб кетди. Бу вазифалар яна, бизнинг саноатимизда ишлаб чиқарилатурғон нарсаларнинг сифатини яхшилаш, ёқув маҳсулотларини иқтисод қилиш, иш кучларидан рационал (тўғрироқ) фойдаланиш ва бошқа йўллар билан боради. Бизнинг саноатимиз шу йўлларнинг барчасида ўз вазифасини бажара олмади.

Бу ҳол, бизнинг саноат корхоналар, трест ва саноат халқ комиссарликларимиз йўлбошчиларининг 1934

[39] А.Икромов. ЎзК(б)П қурултойига марказқўм ҳисоби. Тошкент. Қизил Ўзбекистон. 1934. –Б. 17.

Сканировано с CamScanner

йил программаларининг тўла равишда амалга оширии учун курашдаги масъуланятларини икки ва уч баравар кўпайтирадилар. Ўтган йилги планнинг бажарилмай қолишига асосий сабаб нима? Баъзи бир ўртоқлар, бош сабаб хомашё ва ёқув маҳсулотларининг етишмаслиги ҳамда електр кучи билан таъмин этишда корхоналарнинг кўп вақт ишдан тўхтаб узулишларга сабаб бўлганлиги деб кўрсатишадилар.

Мен юқорида кўрсатилган аҳволларнинг кўп ва оёқ кийими саноатига ҳамда Самарқанд шаҳри доирасида жойлашган саноатга бир қадар таъсир этганлигини рад этмайман, лекин мазкур сабабларни ҳеч бир асоссиз равишда саноатимизнинг барча ишларида баҳона қилиб олишга ҳеч рози бўлиш мумкин эмас. Масалан, 1933 йилги режани 37,6% бажарган гилт саноатига, Фарғона тўқимачилик фабрикаси ва бошқа бир қатор корхоналарга бу сабабларнинг ҳеч бир даҳли йўқ.

Асл сабаблар, энг олдин, корхоналарда йўлбошчилик ишининг бизда шу вақтгача жуда ёмон қўйилишидан иборат. Бизнинг халқ комиссарликлар ва хўжалик ташкилотларимиз корхоналарнинг ишларига конкрет йўлбошчилик қила билмадилар, ишлаб чиқаришни чинакам уюштира олмадилар, янги техникани ўзлаштириш, меҳнат унумини юқори кўтариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун тегишли равишда курашмадилар ҳамда ишчилар оммасига маданият ва турмуш жиҳатидан хизмат қилишга тегишли равишда диққат қилмадилар... Цех мудирлари, кўпинча, халқ комиссарлиги ва трестларнинг йўлбошчиларинигина эмас, ҳатто йўлбошчи составнинг тез-тез ўзгариб туриши натижасида ўз фабрикаларининг директорларини ҳам билмаганлар... Ҳисобга олиш ва назоратнинг йўқлиги бир қатор жуда қимматбаҳо хомашёнинг нотўғри сарф бўлишига сабаб бўлди[40] – дейди.

Ф.Хўжаевнинг мулоҳазаларининг тўлиқ асосли эканлигига қарамай, Сталинча маъмурият вужудга келган вазиятдан қутулиш йўлини маъмурий зўравонлик кўрсатиш йўлларидан қидиришга уринди. У совет халқ хўжалигининг самарасизлиги сабабларини "синфий душманларнинг саботаж қилиши"да ва "зараркунандачилик"да, мусобақани ташкил этишдаги камчиликларда, омманинг "социалистик онгсизлиги"да деб билди. Шу сабабдан мустабид тузумнинг мустаҳкамлаш

[40] Ф.Хўжаев. Қурилишимизнинг энг муҳим вазифалари. Тошкент: Ўздавнашр, 1934. –Б. 11–12.

Сканировано с CamScanner

учун "инқилобий гайрат-шижоат"ни рағбатлантириш йўлини қўллаш билан бир қаторда, қатагонлар ва мажбурловчи тазйиқ ўтказишни кучайтириш усули ҳам амалга оширилди. Масалан, иттифоқ сиёсий раҳбарияти саноатдаги қўнимсизликка қарши курашда ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини етарли даражада яхшилаш ўрнига корхоналар маъмуриятини маъмурий тазйиқ ўтказиш чораларини фаоллик билан қўллаш зарурлигига йўналтирди. Бу чоралар ҳам ниқобланган, ҳам ошкора хусусиятга эга эди. Ана шу жараёнларда ҳам марказий ҳокимият ва Ўзбекистон маҳаллий ҳокимияти ўртасидаги зиддият ортиб борганининг гувоҳи бўламиз. Бироқ, шўро тузуми ўзининг эски ақидаларига содиқ қолди. Яъни, куч ким томонда бўлса ҳақиқат ҳам ўша томонда. Амалга оширилган "большевикча" сиёсат бу зўровонлик ва куч ишлатиш орқали амалга оширишни қувватлар эди. Натижада бу ҳаёлий орзулар оммавий қулдорлик, давлат қулдорлиги кўринишишларини юзага келтирди. Бу йўдла амалга оширилган ҳар қандай қаршилик синдирилди, аёвсиз жазоланди. Советларнинг эришган "ютуқ"лари вақтинча бўлиб, минглаб миллионлаб "қул"ларнинг заҳматли меҳнатлари эвазига қўлга киритилар ва ўша ҳам жуда қисқа вақтда яроқсиз аҳволга келиб қолар, яратилган завод, фабрикалар учун сарфланган пул ҳеч қачон ўзини оқламас эди. Буни чуқур англаган ва номантиқийлигини тушунтиришга ўз вақтида ҳаракат қилган Ўзбекистон маҳаллий ҳукумати Марказ томонидан ташкил этилаётган улкан чоҳ сари кетиб борар эди. Хуллас, шўроларнинг саноатлаштириш режаси ҳам аслида халқни тўкинлик ва бахтлар водийси томонга эмас, аксинча марказнинг ўзи учун ҳам номаълум бўлган ноаниқ келажак томонга судраб борар эди.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Октябр тўнтариши ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат деган жозибали шиорлар остида содир қилинган эди. Янги ҳокимият ижтимоий кафолатларни реал амалга оширишни, "жамиятдаги барча меҳнаткаш қатламлар" ҳаётий неъматлардан баравар баҳраманд бўлишини эълон қилди. Бу вазифани ҳал қилишнинг устивор воситалари хусусий мулкчиликни тугатиш, "эзувчи синфларни" йўқотиш, хўжалик юритишнинг товарсиз,

Сканировано с CamScanner

бозорсиз механизмини мустаҳкамлаш негизида тенг адолат принципларини таъминлашдан иборат бўлиши керак эди. Лекин, орадан кўп ўтмай "инқилобдан кейинги" социалистик қурилишнинг ҳаётий тажрибаси жиддий ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш борасида большевиклар ваъда қилган адолатли ёндашувнинг қуруқ ваъда эканлигини кўрсатди.

Жозибали шиорларга амал қилмаслик 20–30-йиллар чегарасида яққол намоён бўла бошлади. Давлат секин-аста ишлаб чиқариш воситаларининг мутлақ олий мулкдори бўлиб, ҳаддан ташқари марказлашув ва қаттиқ расмий режалаштириш қарор топди. Улар халқнинг миллий ҳуқуқлари ва қадр-қимматини поймол қилишга сабаб бўлди. Сталинча "казарма социализми" тизимида инсонга чинакам ғамхўрлик қилиш тобора орқа ўринга суриб қўйила бошланди, тараққиётнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари ўртасидаги узилиш кучайди. Атайлаб тўқиб чиқарилган "синфий душманларнинг ҳийла-найранглари"га қарши кураш кампанияси кенг авж олди. Бундай шароитда ижтимоий-иқтисодий соҳада айрим "муваффақиятлар" кўзга кўринган бўлса-да, бу ютуқларга катта йўқотишлар, халқ манфаатларига зид бўлган тадбирлар эвазига эришилган эди.

Албатта, "Ҳарбий коммунизм" режими етказган зарар ниҳоятда катта бўлиб, янги иқтисодий сиёсатнинг ислоҳотчилик таъсири дарҳол намоён бўлолмасди. Бунинг устига Туркистонда янги иқтисодий сиёсат йўлига ўтилиши журъатсизлик билан олиб борилди. Натижада кенг халқ оммасининг моддий аҳволи ҳалокатли тарзда ёмонлашиб борди. Бу вақтга келиб қурғоқчилик Россиянинг марказий районларини қамраб олган ва республикамиздан олиб кетилган пахта эвазига айирбош қилиниб олиб келинадиган ғалланинг тўхтаб қолишига ва айни вақтда Россиядаги очларнинг Туркистонга оқиб келишига сабаб бўлди. Бу ҳол шусиз ҳам вайрон бўлган Туркистон қишлоқлари учун оғир юк бўлиб тушган эди.

Мустабид тузумнинг ижтимоий сиёсати, унинг амалиёти ва халқ моддий фаровонлигини яхшилаш вазифаларини ҳал қилишдаги нуқсонлари аҳолини ижтимоий таъминлашни ташкил этишда, айниқса, яққол намоён бўлди. Аввал, бошданоқ Совет давлати "меҳнаткаш бўлмаган" қатламлардан ташқари ўлка маҳаллий аҳолисининг асосий қисми бўлган ўзбек деҳқонларини ижтимоий таъминлаш доирасидан чиқариб ташлаган эди. Фақат

Сканировано с CamScanner

шаҳар аҳолиси, асосан ишчилар, "қизил жангчилар" ва уларнинг оила аъзолари (улар асосан европаликлар эди) ижтимоий таъминот тизими билан қамраб олинган эди. Қишлоқ аҳолиси давлат томонидан ҳеч қандай ижтимоий тўловлар билан таъминланмаган эди, улар ўзлари ҳақида ўзлари ғамхўрлик қилишлари лозим эди.

Умуман, "буюк бурилиш" ўз моҳиятига кўра халқни талашга асосланган эди. Давлат хазинасини тўлдиришнинг фавқулодда воситаси қоғоз пулларнинг мисли кўрилмаган даражада кўпайтирилиши бўлди, улар товарлар билан таъминланмади. Натижада сўмнинг ҳақиқий қиймати тезда пасайиб кетди. Нарх-наво шиддат билан кўтарилиб кетди. Озиқ-овқат ва саноат молларининг давлат нархи ўнларча баробар ортди[41].

Айниқса қишлоқларда оғир вазият вужудга келди, у ерда ялпи камбағаллик: очлик, кенг деҳқонлар оммасининг қашшоқлиги кўзга ташланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мажбуран етказиб беришдан иборат ярамас тажриба деҳқонларнинг аҳволини янада мушкуллаштирди. Москва белгилаб берган нореал режа топшириқларини қандоқ қилиб бўлса ҳам бажаришга интилган маҳаллий ҳокимият органлари жамоа хўжаликларидан ҳам, давлат хўжаликларидан ҳам, жамоалаштирилмаган якка хўжаликлардан ҳам улар етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини битта қўймай "супириб оларди". Бундай тажриба кескин аграр тангликка, аҳолининг озиқ-овқат таъминотини ниҳоятда ёмонлашиб кетишига, халқнинг, айниқса, ўзбек деҳқонларининг турмуш даражасининг ҳалокатли тарзда пасайиб кетишига олиб кедди.

Совет давлатининг бутун ҳудудида деҳқонларни бу тарзда эзишнинг сталинча усули 1932–1933 йилларда ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди ва яна очарчилик фожиаларини келтириб чиқарди. Хорижий тадқиқотчиларнинг баҳосига кўра, сунъий ташкил қилинган очарчилик қурбонлари сони умуман Иттифоқ бўйича камида 7 млн. кишини ташкил этган[42]. Ўзбекистон ҳам бу фожиадан четда қолмади. Борган сари ҳаёт оғирлашиб борди. Тошкентдаги ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги ўша қайғули йилларни ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг хотираларига кўра, "кўчаларда ва йўлларда сон-саноқсиз жасадлар уюми ётарди". Халқ томонидан "ўлим

[41] Страници истории советского общества. Люди, проблемм, фактн. –М., 1989. С. 141.
[42] Урок даёт история. – М., 1989. С. 178.

Сканировано с CamScanner

араваси" деб аталган юк машиналарида уларни "худди ўтин каби ортишар... ва бир амаллаб умумий чуқурга кўмишарди"[43].

Қишлоқларда бир илож қилиб омон қолишга интилган меҳнаткашларга ёрдам бериш ўрнига уларга қарши қатағон чоралари кучайтирилди. Очлик гирдобига тортилган қишлоқ аҳолиси далалардан дон, картошка ва бошқа маҳсулотларни олиб кетишга мажбур бўлардилар. Шундай мушкул аҳволда қолган деҳқонларнинг бу ҳаракатларига жавобан 1932 йил 7 августда СССР ҳукумати социалистик мулкни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Бу қонунда "колхоз... мулкини талон-торож қилганлиги учун суд жазо сифатида отиш ва барча мол-мулкини мусодара қилиш", юмшатувчи ҳолатларда эса – "10 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш ва бутун мол-мулкини мусодара қилиш" белгилаб қўйилди. Ўзбекистонда мазкур қонунга мувофиқ 1933 йилнинг ўзида 2,5 минг деҳқон маъмурий жавобгарликка тортилди[44].

Совет даврининг барча босқичларида товарлар танқислиги ва озиқ-овқат масаласи билан бир қаторда уй-жой муаммоси ҳам ҳамиша кескин бўлиб қолаверди. Октябрдан кейинги дастлабки йилларда бу муаммо фақат мусодара йўли билан ҳал қилиб келинган эди. Бадавлат табақалардан тортиб олинган уйлар ва хонадонлар кўпроқ сиёсий жиҳатдан фаол ишчилар ва мансабдор шахсларга ажратилди. Фақат 1924 йилдан бошлаб давлат янги уй-жойлар қурилишига маблағлар ажрата бошлади. Лекин бу маблағлар арзимас даражада эди, шунинг учун ҳам давлат уй-жой қурилиши фақат Тошкент ва Самарқанддагина олиб борилди.

Уй-жой сиёсати стратегияси ҳам синфий хусусиятга эга эди. Уни амалга оширишда "ишчи шаҳарчалари" деб аталган шаҳарчалар яратишга алоҳида эътибор берилди, ҳокимият органларининг фикрига кўра, бу шаҳарчалар бўлажак социалистик шаҳарларнинг таянч ячейкалари эди. Турар-жой кўпинча Марказдан келган ишчилар ва мутахассисларга бериларди. Қишлоқ аҳолиси уй қуришни асосан анъанавий ҳашар усули билан амалга оширар эди.

Республика аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш жараёнлари бу даврда бир хилда кечмади. Қишлоқ аҳолиси эса аслида барқарор тиббий хизмат кўрсатиш доирасидан

[43] РЦХИДНИ, ф. 122, оп. 4, д. 3421, л. 17–20.
[44] РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 5, д. 640, л. 74–75.

Сканировано с CamScanner

четда қолган эди. Тиббиёт ходимлари умуман етишмасди. Масалан, қишлоқ жойларида 35 минг аҳолига битта шифокор, 10 минг қишлоқ аҳолисига битта касалхона ўрни тўғри келарди[45]. Натижада қишлоқ аҳолисининг асосий кўпчилиги ўз соғлиғини муҳофаза қилишдек мураккаб муаммоларни давлат ёрдамисиз ҳал қилишга мажбур эди. Бунинг асл сабаби ўзбек шифокорларининг йўқлигида эди. Уларнинг салмоғи 7%дан камроқни ташкил этарди[46]. Бу аҳолининг 70%дан кўпроғини ўзбеклар ташкил этган республикада содир бўлаётган эди. Бу борада Ф.Хўжаев ўзининг "Икки доклад" асарида 1932 йил: "...соғлиқни сақлаш Комиссарлиги юқумли касалликларни келтириб чиқарадиган сабаблар билан кураш олиб боришимиз лозим... Бизнинг темир йўл транспортимиз ва вокзалларимизнинг аҳволи тўғридан тўғри тифнинг ўчоғидир[47]" – деб ёзганди.

Ҳокимият тузилмалари жамиятни жиловлаш ва бирхиллаштириш учун жазоловчи чора-тадбирларга мурожаат қилар эканлар, бутун-бутун ижтимоий гуруҳлар ва қатламларни асоссиз равишда йўқ қилдилар, жамиятнинг табиий ижтимоий табақаланиш негизини ўзбошимчалик билан буздилар. Ижтимоий бўлинишнинг бутун хилма-хиллиги энг оддий табиий негиздан: иккита "социалистик" синф – ишчилар ва колхозчи деҳқонлар, шунингдек, ижтимоий қатлам бўлган "социалистик" зиёлиларга ажратган ҳолда қатъий қилиб белгилаб қўйилди. Бундай аснода ёндашиш аҳолининг "эзувчилар" тоифасига киритилган кўпдан-кўп гуруҳлардан қонли ўч олишга ва жамиятдаги мавжуд ижтимоий кучларни тўғри аниқлашда бир қатор чалкашликларга олиб келди. Натижада, кўпгина ижтимоий гуруҳлар, масалан, руҳонийлар, таклиф қилинган андозага "сиғмаганлиги" учун диққат-эътибордан бутунлай четда қолди. Сталин жамиятда синфий душманнинг янги қиёфасини қуйидагича тасвирлайди ва ундан эҳтиёткор ва бешафқат бўлишга чақириб: "энди у "ёввойи башара, хунук тишли, бўйни йўғон, қўлида кесик милтиқ тутган" одам эмас, у кўпинча мулойим", "ширинсўз" яқин "авлиё". Бироқ, бу "авлиё" одамлар, янги метод билан, "писмиқлик" методи билан ўзларининг қўпорувчилик ишларини, ўзларининг зиёнчилик

[45] ЎзР МДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 63–65-варақлар.
[46] ЎзР МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 88-йиғма жилд, 28-варақ.
[47] Ф.Хўжаев. Икки доклад. Тошкент Самарқанд: Ўздавнашр, 1932. –Б. 30–31.

Сканировано с CamScanner

ишларини олиб борадилар"[48] – деб уқтирганди. Сталиннинг бу кўрсатмаси оқибати шундай бўлдики, энди ғаразли мақсад йўлида ҳар қандай зиёли инсонни душман деб эълон қилиш учун асос берди, бу шўро ҳукуматининг "Катта қирғинга" тайёр эканлигини англатар эди.

Аслида, ташқи қиёфа ўзгарган бўлса-да, моҳият ўзгармади. Чунки, "инқилобдан олдинги эксплуататорлар" ўрнига мамлакат иқтисодиётида "социалистик ишлаб чиқариш" усули ғалаба қилиши билан давлатнинг ўзи шафқатсиз эксплуататор сифатида майдонга чиқди. Қишлоқ аҳолисининг колхозчи деҳқонларга ва қишлоқ хўжалик ишчиларига бўлиниши сунъий-расмий хусусиятга эга эди. Реал ҳаётда эса, деҳқонларни ёппасига давлат тасарруфига олиш, уларни давлатнинг ёлланма ходимларига, унга тўла-тўкис қарам бўлган мехнаткашларга айлантиришдек даҳшатли ҳодиса содир бўлди. Оқибатда деҳқонлар ўзининг анъанавий табиий тафаккур тарзини йўқота бошлади. Сталинча қатағон сиёсатининг қурбонларидан бўлган ўзбекистонлик илк тарихчи, профессор П.Солиевнинг тегили даврдаги ижтимоий ҳаёт акс этган қуйидаги сўзлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. "Борган сари ҳаёт оғирлашиб бораяпти, дейди у, ун – 170 сўм, одамлар оч ёки ярим оч, Институт талабалари озиқ овқат қийинчилигидан нолимоқда. Энг ёмони колхозчиларнинг аҳволи қийинлиги: уларнинг бари оч, иш пайтида очликдан эзилиб кетганларини кўрасиз[49]... ёки, яна: "Октябрнинг 20 йиллиги яқинлашяпти-ю, бирон бир қуруқ ваъда амалга ошмади, Самарқанд боғлари қуриб қолди, эски шаҳарнинг вайроналари қолди, ҳолос, одамларнинг на шахсий ҳаёти, на хусусий мулки, на оз бўлсада шахсий манфаати бор. Умумий қозон ва қаланғи-қасанғи ҳаёт билан узоққа бориб бўлмайди"[50]... деган эди олим.

Шундай қилиб, янги иқтисодий сиёсатдан чекиниш ва мустабид-империяча тузумни мустаҳкамлаш шароитида совет ижтимоий сиёсатида аввалбошдан хос бўлган бузилишлар ва иллатлар сезиларли равишда кучайиб борди. Мустабид давлат турмушнинг барча томонларини тўлиқ назорат остига

---

[48] А.Икромов. ЎзК(б)П қурултойига марказқўм ҳисоби. Тошкент. Қизил Ўзбекистон. 1934. –Б. 60.

[49] XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани. I қисм. Т. Фан. 1994. –Б. 60–61.

[50] XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани. I қисм. Т. Фан. 1994. –Б. 7.

Сканировано с CamScanner

олган эди. Мазкур шароитда, партия аппарати ва бюрократик номенклатуранинг чексиз ҳукмронлиги остида Ўзбекистон аҳолиси ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ва маиший соҳаларини маданиятли тарзда ислоҳ қилиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Аксинча, ижтимоий ҳаётда ҳадик, қўрқув муҳити юзага келди ва одамлар учун бир-бирини сотиш, турли ғаразли ниятларини шу восита билан амалга ошириш орқали ўзларини шўро ҳукуматининг содиқ қули қилиб кўрсатиш имконияти пайдо бўлди. Шу йўл билан бир пайтда ўз ҳавфсизлигини, ўз ҳаётини сақлаб қолиш оддий ҳолатга айланиб борди. Бу чиркин, мудҳиш ижтимоий тумуш тарзи шўролар тузумининг сўнгги кунларигача қайсидир маънода давлат томонидан бошқарув усулларидан энг қулай шакли сифатида сақланиб қолди.

Ҳужум ва унинг амалга оширилиши

1926 йилнинг сентябр ойида Ўрта Осиё партия комитетларининг хотин-қизлар бўлимлари ходимлари иштирокида кенгаш ўтказилди ва хотин-қизлар орасида олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш ва уни мажбурий равишда ўтказишга қарор қилинди. Бу тадбир "Ҳужум" деб аталди. Бу тадбирни аёллар қувонч билан қарши олганди. Чунки, қора чимматни ташлаш ёруғ-оламни очиқ юз билан кўриш, илм олиш, ҳаётда эркаклар билан баравар ҳуқуққа эга бўлиш уларнинг асрлар давомидаги орзуси эди. 1927 йил 8 март куни Ўзбекистонда бўлган юзлаб митингларда қатнашган минглаб хотин-қизлар ўз паранжиларини ташладилар.

Паранжи ташлашда ихтиёрийлик ва эҳтиёткорлик, миллий урф-одатларни ҳурмат қилиш ўрнига, зўравонлик, мажбурлаш, қўрқитиш ва жазолаш усуллари устиворлик қилди. Лекин, шундай бўлса-да, "Ҳужум" дастлаб катта муваффақиятларни қўлга киритди. 1927 йил баҳорига келиб 100 минг аёл паранжисини ташлади, 5 минг аёл саводсизликни тугатиш курсларида таҳсил олди, 5202 нафар аёл вилоят, шаҳар, туман судларига халқ маслаҳатчилари қилиб сайландилар[51]. Советларнинг хотин-қизларни озодликка чиқариш борасида шошма-шошарлик ва зўравонлик усулида амалга оширган сиёсати аёлларнинг

[51] "Правда Востока". 1927, 7 октября.

Сканировано с CamScanner

бегуноҳ қурбон бўлишига сабаб бўлди. "Ҳужум" кампанияси (1927–1928) йилларида Ўзбекистонда 2,5 мингдан ортиқ фаол хотин-қизлар, қишлоқ, туман кенгашларининг аъзолари, хотин-қизлар клублари ва кутубхоналар мудирилари ўз яқинлари томонидан ўлдирилган эдилар[52]. Афсуски, масаланинг нозик жиҳатлари билан қизиқмаган, "Ҳужум" муваффақиятларидан эсанкираб қолган компартия ва унинг сиёсий раҳбарияти Ўрта Осиё халқлари қонига сингиб кетган ислом омилини бутунлай инкор этди. Унга беписанд қараш, ерга уриш, ошкора тан олмаслик, уни қўпориб ташлаш йўлини танладилар. Шунингдек, ижтимоий омилга ҳам эътибор берилмади. Бундай шошма-шошарлик аҳоли орасида совет ҳукуматига нисбатан душманлик муносабатини кучайтирди. Улар хотин-қизларнинг озодликка чиқарилишига очиқдан-очиқ қарши чиқа бошладилар. Ҳукумат вакиллари паранжисини ташлаган хотин-қизларга нисбатан қилинган жиноятларни руҳонийлардан кўрдилар, уларни бош айбдор деб ҳисобладилар.

Совет ҳокимияти руҳонийларни синфий душман деб ҳисоблаб, уларга қарши ёппасига кураш олиб борди. Натижада бутун "Ҳужум" тадбири давомида кечириб бўлмас стратегик хатоларга йўл қўйилди: маъмурий тазйиқ ўтказиш, дўқ-пўписа қилиш, жарималар солиш, аёлларни мажлисларга милиция ёрдамида куч ишлатиб зўрлаб олиб келиш ишлари шулар жумласидан эди. Натижада большевиклар билан диндорлар ўртасидаги бу кураш очиқдан-очиқ уруш шаклига кирди. Динга ва руҳонийларга қарши кураш "Курашчан худосизлар" уюшмаси фаолиятида ўзининг аниқ ифодасини топган эди.

Хотин-қизлар озодлиги учун кураш аслида синфий кураш эмас, дунёқарашлар кураши эди. Мазкур кураш асрлар оша ислом онгига муҳрланган ўзбек халқининг ўз тасаввурларидан мажбуран воз кечишига қаратилган эди. Бу кураш партия қўмиталарининг нотўғри иш услублари асосида сунъий равишда синфий курашга айлантирилди. Тарғибот юритиш учун мачитлар танланди, паранжи ташлаш бўйича таркибига милиция бошлиги кирган "учликлар" тузилди, муллалардан ўз хотинлари юзини очиш тўғрисида мажбуран тилхатлар олинди. Бундай зўравонликлар хотин-қизлар ҳаракатига салбий таъсир кўрсатди. "Ҳужум" ҳаракатининг асл мақсади фақат паранжи

[52] *Полъванова Б.П.* Эмансипация мусулманки. –М., 1982. С. 197.

Сканировано с CamScanner

ташлашдан иборат эмасди. Унинг асосий мақсади хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш эди.

Й.Охунбобоев ҳар доимгидек, масалага очиқдан-очиқ Марказ ҳукумати нуқтаи назаридан ёндошади ва у: "Ўрток Бауман: "хотин-қизларни саноатга тортмасдан, уларни шўролар иттифоқининг пахта мустақиллиги йўлидаги курашга аралаштирмасдан туриб, биз пахта 5 йиллик планининг 3 қатъий йилида олдимизда турган пахта программасини бажара олмаймиз" – дейди. Унинг нутқида: Ўзбекистон Жумҳурияти хотин-қизларни чинакам озодликка чиқарув учун керакли чораларнинг барчасини бажарди ва бажармоқда. Бу йўлдаги ишларни янада мустаҳкамлов мақсадида, яқинда Ўзбекистон Жумҳурияти ва Туркманистон Жумҳурияти билан социализм мусобақаси тузилди. "Миллионлар шартномаси" деб атаганимиз, бу социализм мусобақаси ҳар икки жумҳуриятнинг хотин-қизларини чинакам озод қилиш йўлида катта ёрдамдир[53]" – деб баҳо беради.

Советларга хос "тенгҳуқуқлилик"ка эришиш оқибатида, 1939 йилга келиб, аёллар эркаклар бажарадиган ишнинг 50%ини эгаллашди. Бу кўрсаткич айниқса қишлоқ хўжалигида яққолроқ кўзга ташланди. 1930 йили Ўзбекистон ва Туркманистоннинг пахтакор туманларида яшовчи аёллар жамоа ва давлат хўжаликларидаги ишчи кучининг 80%ини ташкил қиларди. Ёппасига жамоа хўжаликларига аёллар маиший шарт-шароитлар, хусусан, болалар боғчаси йўқлигидан бир қўлида ёки елкасида боласини кўтариб далада ишлардилар. Совет "гамхўрлиги"нинг энг зўр тимсоли, аёллар учун махсус "енгил кетмонлар" ишлаб чиқарилгани эди[54].

"Ҳужум" кампанияси жараёнида жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Энг аввало бу тадбир шошма-шошарлик билан, ўзбек халқига хос миллий хусусиятлар, урф-одатлар ўрганилмасдан зўровонликка асосланиб амалга оширилди. Бу сиёсат орқали шўролар ўзбек оилалари ва ўзбек жамиятининг ижтимоий ҳаётида таниб бўлмас даражадаги ўзгаришларга сабаб бўлди ва бу тўнтариш кейинги даврлар учун ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

---

[53] Й.Охунбобоев. Ўзбекистонда социализм учун курашнинг 14 йиллиги. Тошкент: Ўзнашр, 1931. –Б. 16–17.

[54] "Правда Востока". 1932, 10 июля.

Сканировано с CamScanner

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ҲУКМРОН МАФКУРАНИНГ ТАЪСИРИ

20-йилларнинг иккинчи ярми, 30-йиллар совет ҳокимияти учун ўзининг сиёсий ва иқтисодий мавқеини янада мустаҳкамлаш даври бўлди. Истиқлолчилар кураши, барча ихтилофдаги сиёсий партиялар тугатилиши натижасида большевиклар мутлақ яккаҳоким партияга айланди. Кейинчалик эса, маъмурий-буйруқбозлик усуллари кенг қулоч отиб мустаҳкамланиб бориши билан ялпи кўрсаткичлар ортидан қувиш, большевикча "маданий инқилоб" йўли ва усуллари устиворлик қила бошлади. Халқнинг маърифатга, фанга ва миллий маънавиятга бўлган интилиши ҳукмрон кучлар томонидан узоқни қўзламай ва яхши ўйламай олиб борган сиёсатлари натижасида сиёсий манфаатлар йўлига бурилди.

1927 йилда "За партию" журнали орқали сиёсий доиралар эски усулдаги ва жадид мактабларига қарши кураш эълон қилдилар[55]. Натижада, улар совет маъмурлари томонидан аста-секин беркитилди ва 20-йиллар охирига келиб бу мактаблар ўз фаолиятини бутунлай тўхтатишга мажбур бўлди. 30-йилларда совет мактаблари дарсликларга муҳтож бўлиб турган бир пайтда, жадид муаллифлари ёзган ва мусулмон болаларининг турмуши ва психологиясига мослаштирилган дарсликлардан фойдаланиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмади. Мактабларда эса кўп ҳолларда махсус тайёргарликдан ўтмаган, маълумоти паст, малакасиз кишилар муаллимлик қилдилар. Бунинг устига мактаблар ёмон аҳволда бўлиб, оддий жиҳозлар, дарсликлар етишмас, ўқитишнинг аниқ дастури ва услуби ҳали ишлаб чиқилмаган эди. Бироқ рақамлар ортидан қувиш ва шошма-шошарлик оқибатида умумий таълимни жорий қилишда кўпгина жиддий хатоларга йўл қўйилди. Мазкур даврнинг маданий ҳаёти ва ислоҳотларининг асл қиёфасини тасаввур қилиш учун Файзулла Хўжаевнинг "Икки доклад" асарига мурожаат этсак: "Маданий қурилиш тўғрисида нима дейиш мумкин. Аммо сифат жиҳатидан оқсайдилар. Мактаблар мактаб жиҳозлари билан таъминланмаган. Китоблар етишмайди. Ҳатто оддий дафтарлар ҳам йўқ. Касалхоналарда асбоб ускуна йўқ. Ахир шўро аппаратини ихтисосли кучлар билан тўлдирмасдан уни "тил ёгламачи", ёт унсурлардан тозаламасдан, ундан бюрократизм ва

[55] "За партию". 1927, № 4. С. 130.

Сканировано с CamScanner

бошқа ишга расмиятчилик кўзи билан қаровчиларни суриб ташламасдан, шўро аппаратининг кенг ишчи ва колхозчилар оммасига яқинлаштирмасдан, буларни бевосита ҳукуматни идора қилишга қатнашишларига эришмасдан, кенгайтирмасдан, бу аппаратни ерилаштирмасдан, уни аҳолининг асосий оммасига яқинлаштириб бўлмайди. Буларни қилмасдан туриб, шўро аппаратимиз олдига қўйилган вазифаларнинг уддасидан чиқадир, деб ўйлаш ҳам мумкин эмасдир... Шўролар ҳақиқатан ўзбеклашувлари керак. Бу ўзбеклаштириш шу тарзда бўлсинки, иттифоқ Марказий ижроқўми ва партиянинг Ўзбекистонда шўро аппаратини тўла ўзбеклаштириш, уни 1933-йилда ўзбек тилига кўчириш тўғрисидаги директиви амалга оширилсин"[50] – дейди.

Усмон Юсупов ўзининг "Синфий хушёрлигимизни большевикларча кучайтирайлик Сиёсий натижалар ва навбатдаги вазифалар" номли маърузасида мавжуд вазиятни таҳлил қилар экан таълим соҳасидаги муаммолар ҳақида тўхталиб қатор мисолларни келтирадики, улар ҳам кишини бефарқ қолдирмайди. У маърузасида: "Самарқанд индустрия деҳқончилик техникумида 4 курс талабалари ўзбек тилини ўрганишга келганда қуйидагиларни айтганлар: Бизга бундай йиртқич тил керак эмас ва биз қишлоққа бормаймиз. Худди шу талабалар ўзбек тили ўқитувчиси бўлган Кубаевни ўзбек тили бўйича қониқарли эмас деб баҳо қўйгани учун тутиб олиб уришга ваъда берганлар...

Самарқанд қишлоқ хўжалик техникумида тозалаш комиссияси бир ўзбек студентини, маҳаллий миллатчилиги учун талабаликдан чиқарган. Ҳолбуки, бу талабанинг бутун миллатчилиги шундан иборат бўлганки, у ўзбек ва рус драма тўгаракларига баравар миқдорда пул берилишини талаб қилган.

Самарқанд рабфакида математика муаллими очиқдан очиқ: "Ўзбеклар шу қадар зеҳнсиз-ки руссия болалари катта ёшдаги ўзбеклардан кўпроқ биладилар" – деган эди.

Бухоро қишлоқ хўжалиги техникумининг ўқиш қисми мудири граждан Гусин Бухоро техникумини Рязан ва Калуга губерналаридан келтирилган болалар ҳисобидан тўлғазган. Маориф комиссарлиги ундан, нега ўқувчиларни ерли халқ болаларидан олмайсиз, деб сўраганда Гусин: Бухородa

[50] Ф.Хўжаев. Икки доклад. Тошкент Самарқанд. Ўздавнашр, 1932. –Б. 50–51.

Сканировано с CamScanner

савдогарлардан бошқа ҳеч ким йўқ, деб жавоб берган"[57] – дейди. Шу каби кўплаб турли важлар ўйлаб топиб, маҳаллий болаларни мактабларга олмаётганликларига муаллиф яна бир қанча мисоллар келтиради.

Акмал Икромов 1934 йилда шўролар мамлакатида расман саводхонликнинг 52% га етганлиги, мактаб ёшидаги болаларнинг 90% ўқишга тортилганлигини айтиб ўтади, бу борадаги камчиликларга диққат қаратади ва у: "Халқ маориф комиссарлигининг маълумоти бўйича Шаҳрихон районида саводлилик даражасини 60% деб билар эдик. Ўртоқ Қосим Сорокин томонидан текширилганда, булар 15–16% экани маълум бўлди. Шунинг учун Маориф комиссарлигининг жумҳуриятдаги саводли аҳолининг 52% дан ортганига ҳам эҳтиёт бўлиб ёндошиш лозим[58]" – деб расмий маълумотларга нисбатан ишончсизлик билдиради.

1931 йил Акмал Икромов "Партия бош йўли учун кураш" номли асарида ижтимоий ҳаётдаги ўткир муаммолар ҳақида фикр юритиб таълим тизимидаги бош-бошдоқликлар ва зиддиятларни тилга олиб: "Масалан, Марғилон ипак фабрикасида рус ишчилари ўзбек ишчиларини уруб эзиб ташладилар, бундай ҳодиса Қувасой заводида ҳам бўлди. Шўро муассасаларида бундан ҳам хунук ва ёмон улуғ давлатчилик шовунизи кўринишлари тўғрисида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади, чунки улар ҳаммамизга маълум нарса.

Хўш, миллий пролетариат кадрлари етиштириш масаласи бизда қандай аҳволда? Менга хабар бердиларки "Правда Востока" нашриётининг босмахонасида: сизда ерли миллат ишчилар қанча? Деган саволга: 20% деб жавоб берганлар, текшириш натижасида маълум бўлдики, ерли миллат ишчилари сонини кўп кўрсатиш мақсадида мактаб ўқувчиларини ҳам ишчилар ҳисобига киритганлар, мана бу оддий корхонада эмас, балки бошқаларга намуна бўлиши лозим бўлган корхонадаги кўринишдир... "Улар ўзбек бўлдими, демак ишга ярамайди дейдилар". Масалан, иккинчи ёғ заводи мактабининг мудири шундай деди: "ўзбекларга бекорга пул сарф қиладилар, агар у чойханада ўтирса арзонроқ бўлади, чунки ўзбеклар мактабни тамом қилгач ҳар ҳолда ёғ солишдан

[57] А.Икромов, У.Юсупов, А.Каримов. Қосимовчилик миллий аксил инқилобчилик. Самарқанд: Ўзнашр, 1930. –Б. 31.

[58] А.Икромов. ЎзК(б)П қурултойига марказқўм ҳисоби. Тошкент. Қизил Ўзбекистон. 1934. –Б. 90.

Сканировано с CamScanner

бошқа ишга ярамайдилар, бунга эса мунча пул чиқим қилмасдан ҳам одам топиш мумкин... Ҳалиги ёғ заводининг фабрик-завод шогирдлик мактабига 6 йил давомида 85 ўзбек қабул қилиниб, булардан фақат биттаси тамом қилиб чиқди? Ташгестрамнинг кечки касаба мактабида 70 та ўқувчи ичида ерли халқдан бир киши ҳам йўқ... 15 йил ишлаб келиб ишлаб чиқариш ҳунари ҳосил қила олмаган ўзбек ишчиларини кўпгина учратиш мумкин... раҳбарлардан бири: оврўполилардан яхши маъдан қуювчи ва чилангарлар чиқади, ўзбеклардан эса – фақат туникасозлар чиқади –деб жавоб берди[59] – дейди.

Жамиятга асосий мафкура сифатида марксизмнинг киритилиши натижасида бошқа дунёқарашлар батамом инкор этилди. Марксизм ғоясини қабул қилмаган ҳар бир киши, у ким бўлишидан қатьи назар, "халқ душмани" деб эълон қилинди. Ижтимоий ҳаётнинг марксизм-ленинизм мафкураси измига солиниши айниқса адабий жараёнда яққол кўзга ташланди. Шу нуқтаи назардан қараганда, 1928 йилнинг 30 апрел – 5 май кунларида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ пролетар ёзувчилари қурултойида Россия пролетар ёзувчилари уюшмаси тузилди. Пролетар адабиётини яратишни ўзига мақсад қилиб қўйган бу ташкилотнинг бўлимлари, бошқа совет республикалари қатори Ўзбекистонда ҳам ташкил этилди. Пролетар адабиётининг мафкурачилари ўз эътиборларини ёш авлодга қаратиб, "Ёш ленинчи" газетаси қошида тўгарак ташкил этдилар, Самарқандда "Қизил қалам" ташкилотини тузиб, шу номда иккита мажмуа чиқардилар, Тошкентдаги "Сельмаш" каби завод ва фабрикалар қошида адабий тўгараклар очиб, ўзбек адабиётининг янги авлодини ишчилар орасидан етиштирмоқчи бўлдилар. 1934 йилнинг март ойида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси вужудга келди ҳамда Чўлпон, Фитрат сингари ёзувчиларни ўз сафига қабул қилмади. Қуруқ схемадан иборат, ҳақиқий ҳаёт нафасидан маҳрум бўлган асарлар тинимсиз равишда яратилибгина қолмай, адабиётнинг улкан ютуқлари сифатида баҳоланди, муаллифлари эса мукофотланди.

Шу ўринда Акмал Икромов "Нафис адабиёт тўғрисида" номли нутқи муҳим аҳамиятга моликдир. У маърузада мазкур даврнинг ҳақиқий портретини тасвирлаб беради ва: "Ўртоқлар мен адабиётчи эмасман, лекин адабиёт масалалари бўйича

[59] А.Икромов. Партия бош йўли учун кураш. Тошкент: Ўзнашр, 1933. –Б. 34–36.

Сканировано с CamScanner

гапирсам бўлар деб ўйлайман. Мен бу ерда ёзувчиларимиз қурултойининг ишлари билан тузукроқ танишиб ва ёзувчиларимизнинг ишларидан баъзи материалларни кўриб чиқиб, кейинроқ сўзга чиқмоқчи эдим. Лекин бу кун менга, қурултой ёппасига "яшасинчилик" билан ўтаётир деганларидан кейин мен бу кун сўзга чиқишни зарур топдим... Сизларнинг орангизда тортишувлар, баҳслашувлар кўп бўлганлигини, улар баъзан жуда хунук тусга кириб кетганлигини билар эдим. Ҳатто баъзан Марказқўм ҳам бу тортишувларга аралашувга мажбур бўларди. Тортишувларда ўртоқлар кўпинча бир-бирларини троцкизмда, ўнг оғмачиликда, ва яна билмадим, алла қандай нарсаларда айблар эдилар, совет ёзувчиларининг мажлисларида бундай тортишувлар маҳалида ўртоқлар бир-бирининг устидан челаклаб ювинди қуйишгача бориб қолар эдилар... Лекин баъзи кишилар танқидни кучайтириш ҳақидаги тўғри вазифалардан тамом нотўғри хато натижалар чиқарадилар, улар танқиддан мақсад "ўлдириш", деб кишиларнинг ишига ёрдам бериш эмас, балки уларни тумтарақай қилиш деб ўйлайдилар...

Ўзбек Давлат нашриётидаги редакторларимиз раҳбарлик ва танқид ўрнига кўпинча маъмуриятчилик қиладилар. Бир асарга "босиш мумкин" деб резолюция қўйсалар, иккинчисига "йўқ" деб резолюция қўядилар – қанақа тушинсангиз ихтиёр ўзингизда... Аммо, мана шундай танқид ва ёрдам бериш ўрнига баъзан бизнинг ўз кишиларимизни ҳам обрўсизлантирадилар. Ҳатто уларни советга қарши унсур қилиб қўйишларига сал қолади, бу танқидда уларнинг ўз камчиликлари эмас, балки оталарининг, оналарининг, ҳатто акаларининг ҳам гуноҳларини кавлаштирадилар. Мана бундай қилиқлардан ҳоҳлаганингизча келтириш мумкин. Бу, ўсишга ёрдам қилмайди, адабиёт майдонида янги кадрлар етиштиришга хизмат этмайди... 1932 йилда мен анкеталар тарқатиб ёзувчиларнинг нима ўқиётганликлари ҳақида махсус маълумот тўпладим. Маълум бўлдики, 45 та ёзувчидан фақат 20 таси Горкийни, 13 таси Толстойни,...4 таси Демян Беднийни, 3 таси Байронни, 2 таси Шекспирни ўқиганлар. Умуман ҳамма ёзувчилар жаҳон адабиёти классикларини жуда кам ўқиганлар...12 ёзувчи эса бутунлай ҳеч нарса ўқимаган. Шунинг учун ҳам буларнинг асарлари шунчалик "гўзал"бўлиб чиқса керак. Шунга кўра адабий асарлар мия

Сканировано с CamScanner

маҳсулоти эмас, балки жигар маҳсулоти бўлиб чиқади...[60] – деган эди. У пролетар адабиётининг ҳақиқий юзини тасвирлар экан: "Бу кўпчилик ҳатто ўзбек адабиётининг бадиий асарларини ҳам ўқимаган... Шундай "доҳийларимиз" борки, улар бу кун ўтирсалар, эртага асар тайёр!... Пушкин шундай қобилиятга эга эдими дейсиз? – йўқ! Аммо, баъзи ўзбек ёзувчилари бундай ишни жуда осон қилиши мумкин, бу – бўёқчининг нилидан ҳам осон гап деб ўйлайдилар... Ёзувчиларимизнинг кўпи турмушни билмайдилар. Шунинг учун ҳар хил чалкашликлар ҳам шундан келиб чиқади. Кўпинча ёзувчи завод ва колхоз тўғрисида асар ёзади, лекин заводда, колхозда ўзи бўлмаган ва уларни ўрганмаган. Натижада адабий асар ўрнига халтура, маҳкамадаги бюрократларча тузилган тезислар маҳсулоти майдонга келади. Ҳар биримиз албатта ўзбекча радиони эшитган бўлсангиз керак. Ундаги баъзи ашулалар жуда катта бўлдиқсизлик билан тутуриқсиз ёзилган, уларни эшитишга қулоқ чидамайди. Улар шунчалик саводсиз, бир-бирига боғланмаган... "сурътларимиз қайноқ, секунддан тезроқ, юрагимиз цилиндрдек ва дизелдек қайнайди". Жиғай бу асарда заводларимизнинг қандай ишлаётганлигини кўрсатмоқчи эмиш... Бурлақнинг "Зарба" деган асарини олайлик... маълум бўладики Бурлақ саводсиз одам экан. Бу ўртоқ сўзларнинг маъносини тушиниш буёқда турсин, ҳатто номерлашни ва ёки биринчидан, иккинчидан, учинчидан деган нарсани, шунингдек, "а", "б"... ва ҳакозоларнинг нима учун қўлланишини ҳам билмас экан, у "а", "б" каби ҳарфларнинг қўйилганини кўрганда, ўзи ҳам шундай ҳарфлар туза бошлаган. Мана унинг мақоласидан бир бўлак: " а) Бабаев бир турли ёзувчиларни тўплаб, "б) Ҳамид Олимжон Миртемирлар билан курашаётирмиз, "в) Бетарафлардан Шарафиддинов, "г) Ҳамид Олимжон Мурод Умарийга қарши. Уёғи ҳам шунга ўхшаш "чуқур" ва "аниқ-равшан" сўзлар. Мақоланинг исми – "Ўлумга қочқанлар (?!). Лекин, ҳаммадан ажабланарлиги шуки, бу нарса, бу "асар" китоб қилиб чиқарилган, унинг устига: "шеърлар, ҳикоялар ва очерклар тўплами" деб ёзиб қўйилган. Билмадим бу маза-матрасасиз нарса қандай "асарлар" қаторига кирар экан... Қисқачагина қилиб Жиғайнинг ижодиётига тўхтай. Ўзбекистон Давлат нашриёти 1931 йилда бу шоирнинг шеърлар тўпламини чиқарган, унда саводсизлик намуналари тўлиб тошиб ётади.

[60] А.Икромов. Санъат ва адабиёт тўғрисида. Тошкент: Ўзпартнашр.1934. –Б. 76–108.

Сканировано с CamScanner

Бир мисол келтирай: "Кунининг қўшиғи" шеърини олайлик. Бунда на қофия ва на сатрларнинг орасида ҳеч бир боғланиш йўқлигидан ташқари, сиз қуйидагиларни кўрасиз: (мен яхши ишонганманки, у ўзи ёзган нарсасини ўзи ҳам тушинмаган, қани буни нима деганини ўзи ҳам айтиб берсинчи) у "муштумзўрнинг устига маҳкам Х (икс) чизамиз" дебди. Мен бу нима деган экан деб ўйладим. Нима учун "Маҳкам икс" чизиш керак экан? Ахири тушиндим. У нима учун "икс" чизмоқчи экан денг? У қаердадир, рус адабиётида ҳатто жиддий сўзларда ҳам "унинг устига крест қўйиш керак" деган сўз борлигини эшитган ёки кўрган. Бу сўз шу иш ёки одамнинг ўлик эканини ёки ярамаслигини кўрсатади. Аммо бу ёзувчи уни икс деб тушинибди. У икснинг шаклини крестдан фарқ қила олмабди. Афтидан бу ўртоқ математикада икс билан учрашмаган бўлса керак ва шунинг учун икс-номаълум нарсанинг ишорати эканлигини билмаган... Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, бизнинг нашриёт ташкилотларимизда ўтирган ходимлар шундай "асарлар"ни бостиришга йўл қўйиш билан бирга, бошқа асарларни "аксилинқилоб" деб топадилар...

Масалан, шоир Роиқнинг бир асари таъқиқ қилинган. Бу шеърни ёзувчисининг катта "гуноҳи" – у ёзади:

"...Тонгнинг юмшоқ шаббодалари,
Улар билан ўйнашади,
Ипак сочларни юзга тарқатади... "

Ўразаев ёзади: "албатта, бундай ўхшатиш пролетар шоирнинг ўхшатишлари эмас, ортиқча сентименталлашган, табиатни юзаки тасвирлайди" дейди. Афтидан, Ўразаевча, хотин сочини трактор занжирларига ўхшатиш керак, шунда тўғри бўлиб чиқади... "Зарбул масал Гулханий" деган бир китоб бор. Бу китоб бутинича мақоллардан тузилганки, бу ажойиб асар бой ўзбек тилининг имкониятларини ифодалайди. Нима учун бу китоб босиб чиқарилмайди? "Ярамайди" деб айтибдилар. Мен бу нотўғри дедим... Чаласавод ёзувчи кўпинча ўз асарларига инқилобий сўзлар ва ибораларни киргиза беради. Лекин уларнинг мазмуни тўғрисида, бу сўзларнинг қандай англаниши ва бадиий қиймати тўғрисида жиддий ўйлаб кўрмайди... Балки сиз мендан кулиб Икромов энди қариган чоғида ёшликка берилибдир, деб айтарсиз. Лекин, бўйнимга оламанки, кеча мен "Султон подшоҳ тўғрисида" тилсимлар ва бошқа сеҳр-жодулар

Сканировано с CamScanner

тўғрисида ёзилган афсонани бир соатгача қичқириб ўқиб ўтирдим. Сиз мени идеологияни бузишда ва ҳатто пролетар идеологиясига хиёнат қилишда ва бошқа ҳар қандай нарсаларда айблай оласиз. Лекин, мен эстетика жиҳатидан бундан анча маза қилдим. Олинг сиз Гоголни, унинг асарларининг формаси ва мундарижасини. Ахир ҳеч ким уни совет идеологиясидаги киши деб айтмайди. Агар у бизнинг замонда ёзган бўлса, унинг аллақачон расвосини чиқарган бўлар эдилар. Лекин, ўртоқлар, айтингчи, ахир биз унинг "Ревизор" ва "Ўлик жонлар" деган асарларини бу кунда завқ билан ўқимаймизми? Ёки олинг "Тарас Булба"ни. Бу идеологияси билан бизга ёт асар. Лекин, унинг бадиий гўзаллигини рад қила олатурғон киши борми? Хўш, булар ҳаммаси нимани кўрсатади?...[61] – дейди.

У шўро театр ва мусиқа санъати хусусида ҳам ўз фикрларини баён қилиб: "Бизда "Ҳалима", "Фарҳод ва Ширин" ва бошқаларни танқид қилувчиларни кўп эшитишга тўғри келади. Бундай сўзларни қатъий равишда қоралаш керак. "Ҳалима"нинг ўрнига ҳеч бир нарса бермасдан уни репертуардан олиш ярамайди. Тўппа-тўғри айтиш керакки, "Ҳалима" ўзбек театрини ривожлантиришда ижобий роль ўйнади. "Ҳалима"ни манъ қилиш, репертуардан олиш керак эмас, балки янги репертуар тузиш ва уни "Ҳалима"га қарши қилиб қўйиш керак"[62].

Шунингдек, у: "Айрим ўртоқлар масалан, Мулла Тўйчи, Ҳожи Абдулазизлар бойларда ашула қилдилар ва музика чалдилар шу сабабли уларни саҳнага қўйиш керак эмас дедилар... Биз бутун мусиқий меросдан кечишга тиришатурғон "сўл"лар билан кураш олиб боришимиз керак. Биз ундан кечиб кетмаслигимиз, балки илгарига қараб боришимиз, уни такомиллаштиришимиз керак... Бизнинг томошахоналаримиз мингларча томошабинларни ўз ичига оладилар ва бундай эски оркестр ҳаммага яхши эшитилмаяжак ва ҳаммани қаноатлантирмаяжак. Мана нима учун қисман мусиқа асбоблари устида ҳам ишлаш керак. Ўзбекистонда мусиқани ривожлантириш йўлида институт тузиш, унинг ишларига яхши кучларни тортиш керак. Шунингдек, халқ ашулачиларини ва музикантларини тортиш лозим. Докладни тайёрлаш муносабати билан ўзбек театр ва концертларига

[61] А.Икромов. Санъат ва адабиёт тўғрисида. Тошкент. Ўзпартнашр. 1934. –Б. 11–54.

[62] А.Икромов. Санъат ва адабиёт тўғрисида. Тошкент. Ўзпартнашр. 1934. –Б. 61–65.

Сканировано с CamScanner

тез-тез бориб турдим. Кўпинча ўзимга керак бўлсаям, концертда охиригача ўтира олмайман, чунки зериктира бошлайди. Баъзан янги бир нарса пайдо бўлса қизиқиб эшитасан. Суриштирсанг, омманинг ичидан янги музикант чиқиб, унинг ўзи билан бирга янги куйлар келтиргани маълум бўлади..."[63] – дейди.

У шўро адабиётидаги улуғ миллат шовинизмига кескин қарши чиқиб: "Улуғ давлат шовинизми ва маҳаллий миллатчилик мафкураси нафис адабиётга ўтиб кираётир. 1931 йилда шоир Смеричкая қуйидаги "гўзал" шеърни ёзди ва "Октябр" журнали уни босиб чиқарди:

Ўзбекдек қора ва ялқов,
Аста ва ширин шамол тортади.
Эшаклар шовқин билан чопадилар
Болалар яшашлаб қарайдилар...
Нуровчи ўзбек ариқлари учун,
Биз бетондан каналлар қурамиз.
Чапон кийган қандайдир ўзбек
Боғчадаги қовун билан меҳмон қилиб,
Қачон бўлса, кеч бўлганда айтар менга:
"Ҳай, апа яхши!".

Яна бир китобчада, сиз кўкчой устида гаплашган вақтингизда ўзбекдан бутун ҳақиқатларни билиб оласиз ва у сизни алдамайди, дейилади. Мана сизга Ўзбекистон меҳнаткашлар оммасига қабиҳ улуғ давлатчилик муносабатининг намуналари... Ёки 1928 йилда босилган "Дунёдаги халқлар" китобини олинг. Бу китобда ўзбеклар "сартлар" деб аталади... "сарт одатда оилага айрим эътибор ва гамхўрлик кўрсатмайди, оила ҳаётини уқадар қадрламайди, бўш вақтининг кўпини ўз уйидан ташқарида: бозорларда, чойхоналарда, ҳар хил томошахоналарда ўтказади, шу билан бирга бу ўйин кулгулар таъқиқланган, масалан: қиморбозлик, нашахўрлик ва айниқса, баччабозлик характеридадир. Ялқовлар, байрам ва ўйин-кулгуни яхши кўрадилар, бироқ, эркаклар ва хотинлар одатда, айрим-айрим ўйин-кулги қиладилар. Сартлар, айниқса, уларнинг жамоат ишларида бўлганлари, ўзларини ортиқлик ва такаббурлик билан тутадилар, лекин бу, фойдали бўлган жойда, маневрани ўзгартиришда сартга халал бермайди.

[63] А.Икромов. Санъат ва адабиёт тўғрисида. Тошкент. Ўзпартнашр. 1934. –Б. 68–73.

Сканировано с CamScanner

Мушоҳадачи, зиёлиликка, фаросатликка тегишли аҳамият бериб, уларни хасислик, ёлғончиликнинг баъзибир нуқталарида айблайди... Ўзбекистоннинг келажак маданиятида сартлар, албатта, устунлик мавқеини олажаклар ва сезиларли рол ўйнаяжаклар" (Руднев ёзган). Ўзбек меҳнаткашларига нисбатан бундан ҳам ёмон улуғ давлатчилик, қабиҳ қараш бўлиши мумкин эмас. Бу энг яхши қогозда, яхши муқовада нашр қилингандир. Бу бизни жуда газаблантиради...

Шунингдек, китобларни таъқиқлаш ҳолларига мисол, тожик тилида мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун ёзилган "Калтаки даврон" китоби. Бу китоб, ичида йиғлаб турган бир боланинг расми бўлгани учун манъ қилинган. Сабаб: "Советлар китобига йиғлайтурган боланинг расмини солиш ярамайди, балки, фақат шод ва жилмайиб турган болаларнинг расмини солиш керак" – дейди Акмал Икромов ўзининг Ўзбекистон КП (б) МҚ V пленумида қилган докладида[64].

Маълумки, 30-йилларда сталинча ҳукумат томонидан амалга оширилган машъум "Катта қирғин" аслида совет жазо органлари томонидан узоқ вақт давомида тайёрланган махсус операция маҳсули эди. Шўро ҳукуматининг юқори вазифаларида фаолият кўрсатган Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромов каби масъул шахсларнинг асарларини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар шўро сиёсатининг оддий ижрочилари сифатида иш олиб бормаган. Аксинча, эл-юрт, миллат манфаати учун тиним билмай курашди. Шу боис ҳам улар қатағон рўйхатининг биринчилари қаторидан жой олдилар деб хулоса чиқариш мумкин. Уларнинг фаолиятини янада кенгроқ ўрганиш ва тадқиқ этиш "Катта қирғин" ва унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Умуман, "Катта қирғин"нинг келиб чиқиши арафасидаги Ўзбекистон жамиятидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ҳолатни ўрганиш орқали қуйидаги фикрларни келтириб ўтиш мумкин. Аввало, Сталин ҳукумати Ленин бошлаб берган қатағон сиёсатини кенг миқёсда авж олдирди ва ундан нафақат шўро ҳокимиятини сақлаб қолиш мақсадида, балки ўзининг шахсий диктатурасини мустаҳкамлаш йўлида ҳам фойдаланди. У марказдаги ўзининг хавфли деб ҳисоблаган барча рақибларини маҳв этгач, маҳаллий ҳукуматлардаги

[64] А.Икромов. Санъат ва адабиёт тўғрисида. Тошкент. Ўзпартнашр. 1934 й. –Б. 76–108.

Сканировано с CamScanner

бошқача фикрловчи раҳбарларни ҳам уларнинг тарафдорларини ҳам бир пайтда йўқ қилмоқчи бўлди ва "Катта қирғин" ана шу машъум ниятнинг маҳсули сифатида дунёга келган эди. Бу Сталиннинг анча олдин бошлаб юборган рўйхати асосида янада тўлдирилди ва қисқа муддатда жуда катта миқдордаги инсонлар, партия раҳбар ходимлари, етакчи хўжалик раҳбарларидан тортиб, адабиёт ва санъат намояндалари, илм-фан вакиллари, ҳарбийлар, хуллас тиклаб бўлмас даражадаги катта йўқотишни амалга оширди. Тарихда мисли кўрилмаган фожиа содир бўлди. Қизиғи бу ҳаракат ҳозирги вақтга қадар тарих фанида ўзининг якдил баҳосини топмади. Боиси, жиноятнинг ўта устамонлик билан амалга оширилганлигида ва ҳақиқий фактларнинг яширилганлигидадир. Сталин қатағонларнинг кульминацияси бўлган "Катта қирғин" жаҳон уруши олдидан амалга оширилиб, гўёки урушга тайёргарликнинг бир қисми сифатида ва халқнинг ўзи томонидан қабул қилинган қарорга ўхшатиб ишлаб чиқилган эди. Уни амалга оширишга бош қош бўлган ходимлар ҳам қисқа муддатда йўқ қилинди. Архивлардаги маълумотлар эса узундан узоқ, тутуриқсиз ёлғонлар билан қоришиб кетгандир. Аслида Сталин бу билан иккита мақсадни кўзлаган эди. Биринчиси барча сиёсий душманларини бир зарбада йўқ қилиш ва иккинчиси шўролар ваъда қилган тўкин ҳаёт таъминланмагани, яъни шўроларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги ислоҳотлари ҳеч қандай ижобий самара бермаслигини жамиятнинг кўпчилик зиёли қатламлари англаб етган эдилар. Бу норозиликни ҳам жойида бостириш учун қатл рўйхати кутилганидан бир неча баробар ортиб кетди. Бу борада бизнинг мақсадимиз, Ўзбекистон мисолида ҳақиқий ҳолат қандай бўлганлиги ва маҳаллий ҳукумат раҳбарларининг сталинча сиёсатга муносабатини ҳолисона ўрганишдан иборатдир.

Сканировано с CamScanner

МУНДАРИЖА

Маъмурий-буйруқбозлик тузумининг қарор топиши. Миллий сиёсат ва миллий муносабатлардаги ҳақсизликлар 3

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдаги зиддиятлар ва мажбурий жамоалаштириш фожиалари 15

Республикада саноат қурилишининг сунъий жадаллаштирилиши ва инқирозли ҳодисалар 28

Ўзбекистондаги ижтимоий ўзгаришлар 35

"Ҳужум" ва унинг амалга оширилиши 40

Таълим, фан ва маданият тараққиётига ҳукмрон мафкуранинг таъсири 43

Сканировано с CamScanner

КБК: 63.3-4
И 73

"Катта қирғин"нинг келиб чиқиши арафасидаги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий шароит / масъул муҳаррирлар: Н.Каримов, Б.Ҳасанов; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Шаҳидлар хотираси жамоат фонди. –Тошкент: Фан, 2014. –56 бет.

КБК: 63.3-4
УЎК: 323(575.1)

ISBN 978-9943-19-284-3

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир: *Б.Абдулхайров*
Мусаҳҳиҳ: *М.Абидова*
Техник муҳаррир, саҳифаловчи: *Д.Абдуллаев*

Нашриёт лицензияси AI №138, 27.04.2009 й.

Нашриёт рақами: з-2. Теришга берилди 25.10.2013.
Босишга рухсат этилди 20.01.2014. Қоғоз бичими 60x84 $^{1}/_{16}$.
Arno гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғози.
Нашриёт-ҳисоб т. 3,05. Босма-шартли т. 3,30.
Тиражи 100 нусха. Келишилган нархда.


Сканировано с CamScanner

ЎзР ФА "Фан" нашриёти. 100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.
Тел./факс (8-371) 262-80-65, 262-70-40.
E-mail: fannashriyot@yandex.com

ЎзР ФА "Фан" нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди. 2-буюртма.
100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

"Toshkent tezkor" МЧЖ босмахонасида муқоваланди.
100200, Тошкент, Радиал тор кўчаси, 10-уй.

Сканировано с CamScanner



Сканировано с CamScanner